МАҲАЛЛА — ХАЛҚ ВИЖДОНИ

# Mahalla

1996 йилдан чиқа бошлаган ✱ 2013 йил 3 август. Шанба №65-66 (927-928) ✱ www.mahallagzt.uz ✱ info@mahallagzt.uz

## «ЎЗБЕК ХАЛҚИГА ТИНЧЛИК ВА ОМОНЛИК КЕРАК» РИСОЛАСИ ЖАҲОН ЖАМОАТЧИЛИГИ ЭЪТИБОРИДА

**Бугунги кунда халқаро вазиятнинг шиддат билан ўзгариши, давлатлараро зиддиятларнинг кучайиши, кескинликнинг янада ортиши, ер юзининг турли нуқталарида янги низо ўчоқларининг пайдо бўлиши — айни мана шундай ўткир масалалар жаҳон жамоатчилигида катта ташвиш ва хавотир уйғотмоқда.**

Бу фикримизга қўшни Афғонистондаги ўттиз йилдан зиёд давом этаётган уруш ва қон тўкишлар яққол мисол бўла олади. **Бугун, орадан шунча вақт ўтишига қарамасдан, Афғонистондаги мавжуд вазиятни кўпчилик халқаро сиёсатчилар ночор, ўта оғир ва қалтис**, деб баҳоламоқда.

Ушбу мамлакатдаги вазият бизнинг ҳудудимиз, Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликка энг катта хавф-хатар бўлиб қолмоқда.

Бу можаронинг ечимини топиш, жафокаш афғон заминида тинч ва осуда ҳаётни қарор топтириш масаласи Ўзбекистон ва қўшни мамлакатлар, қолаверса, дунёдаги кўпгина йирик давлатларнинг эътибор марказида бўлиб келаётгани, ўттиз йилдан ортиқ тарих давомида бу минтақада қанча-қанча қон тўкилгани, миллионлаб одамлар бошқа ўлкаларда қочоқ бўлиб кун кечираётгани, минглаб кишилар бедарак йўқолгани, қанча маблағ ва саъй-ҳаракатлар сарфланганини ҳақида кўп гапириш мумкин.

Афғонистон заминидаги уруш алангаси ён-атрофдаги мамлакатлар, эл-юртимиз учун қандай катта хавф-хатар ва нотинчлик туғдиргани ҳеч кимга сир эмас.

Шу боис Ўзбекистон мустақилликка эришган биринчи кунларданоқ «Қўшнинг тинч — сен тинч», деган азалий халқ ҳикматига амал қилиб, афғон можаросини тинч йўл билан ҳал этиш ҳаракатида бўлиб келаётгани, бу муаммо доимо бизнинг эътиборимиз марказида тургани, давлатимиз раҳбарининг нуфузли халқаро минбарларда бу қарама-қаршиликни бартараф этиш мақсадида жон куйдириб, дунё ҳамжамиятига такрор ва такрор мурожаат қилгани барчамизга яхши маълум.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов бундан йигирма йил аввал, яъни, 1993 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида Афғонистон можаросини жаҳон ҳамжамияти ёрдами билан ҳал этишга чақирди;

1995 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг 50-сессиясида Афғонистонга қурол-яроғ киритилишига қарши халқаро эмбарго қўйиш таклифи билан чиқиб, бу мамлакатнинг ички ишларига ташқи кучларнинг аралашувига чек қўйиш зарурлигини таъкидлади, Афғонистонда коалицион ҳукумат тузиш моделини таклиф этди;

1997 йили мамлакатимиз раҳбари афғон муаммосини ҳал қилиш учун «6+2» мулоқот гуруҳини ташкил этиш ташаббуси билан чиққани ва 1999 йили мазкур гуруҳнинг Тошкент учрашуви бўлиб ўтганидан барчамиз хабардормиз.

2001 йилда Президентимиз БМТ Бош котибига йўллаган мурожаатида Афғонистонни демилитаризация қилиш масаласини БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши кун тартибига қўйиш таклифини илгари сурди;

2008 йилда НАТОнинг Бухарест саммитида БМТ шафелиги остида «6+3» мулоқот гуруҳини ташкил этиш таклифи билан чиқди.

Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин.

Ана шундай муҳим ҳужжатлар қаторида давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолият концепцияси ва шу асосда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Қонуни минтақамизда тинчлик ва барқарорликни сақлаш ва мустаҳкамлаш йўлида ғоят муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлаш лозим.

Президентимиз 2013 йил 9 майда Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан оммавий ахборот воситаларига берган интервьюсида ўз эътиборини яна бир бор Афғонистондаги мавжуд воқеликка қаратиб, ушбу муаммонинг нақадар жиддийлиги ва унинг ечими бўйича қандай амалий ҳаракат ва чора-тадбирлар зарурлиги хусусида сўз юритди.

Юртбошимизнинг ана шу интервьюсини ўз ичига олган, ўзбек ва инглиз тилларида чоп этилган «Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак» рисоласи бугунги кунда нафақат мамлакатимиз, балки жаҳон жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотмоқда, кенг муҳокама қилинмоқда.

(Давоми 2-бетда.)

АҲОЛИ БАНДЛИГИ



## ТАШАББУС ВА ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНАДИ

**Киши севимли машғулоти билан шуғулланса, меҳнати баракали, мақсадлари ойдин, ҳаёти мазмундор бўлади. Иштихонлик Зебо Муродова касб-ҳунар коллежида ўқиётганидаёқ, мамлакатда аграр соҳага қаратилган эътибордан руҳланиб, энг сердаромад соҳа — чорвачилик билан шуғулланишни кўнглига тугди.**

Унинг фикрича, чорвачиликни ривожлантириш, қатор ишлаб чиқариш тармоқларини йўлга қўйишга ҳам имкон беради. Шу мақсадда пишиқ-пухта тузилган бизнес режани «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Иштихон тумани бўлинмасига тақдим этиб, уни амалга оширишучун ёрдам сўради. Ташаббускор қизнинг истиқболли лойиҳаси фонд туман бўлинмаси томонидан қўллаб-қувватланиб, унга тижорат банкидан 15 миллион сўмлик имтиёзли кредит олишга кўмаклашилди.

— Бу маблағга бизнес режа асосида қорамоллар сотиб олдим, — дейди Баҳрин қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи битирувчиси З.Муродова. — Жорий йилда туманимиз касб-ҳунар коллежларини битирган 68 нафар тенгдошим каби мен ҳам берилаётган имкониятдан, билдирилаётган улкан ишончдан беҳад мамнунман. Келажакда фаолиятимни кенгайтириб, ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчиман. Мақсадим — тобора юксалаётган Ватанимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш.

> [3]

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

## ҲУҚУҚИЙ АМАЛИЁТ ДЕМОКРАТИК ТАМОЙИЛЛАРГА АСОСЛАНГАН

**Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар самараси ўлароқ, юртимизда қонун ижодкорлиги соҳасида муҳим ўзгаришлар юз бераётир.**

Мазкур жараённи янада такомиллаштириш мақсадида 2013 йил 20 мартда Юртбошимизнинг «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси нормаларини тажрибадан ўтказиш бўйича ҳуқуқий экспериментни ташкил этишга йўналтирилган фармойиши қабул қилинди.

Ушбу фармойиш қонун лойиҳаси нормаларини амалда такомиллаштириш, энг муҳим ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий муаммоларни ҳал этиш, мамлакатни демократик янгилаш ҳамда модернизациялаш соҳасидаги вазифаларни бажариш бўйича давлат органлари иши тўғрисида аҳоли хабардорлигида оммавий ахборот воситалари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг роли ва аҳамиятини кучайтиришни кўзда тутади. Унга кўра, жорий йил давомида Бухоро ва Самарқанд вилоятлари ҳуқуқий эксперимент субъектлари этиб белгиланди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси аъзолари иштирокидаги давра суҳбатида мазкур экспериментнинг мазмун-моҳияти, уни ўтказишдан кўзланган мақсад ва келгусидаги вазифалар хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

> [4]



ЮРТИНГ ОБОД — ДИЛИНГ ОБОД

КОРАКАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

*Қўни-қўшни ва яқинларнинг яхши-ёмон кунларида камарбаста бўлиш халқимизнинг азалий қадриятларидан. «Маҳалла» хайрия жамоат фонди фаолиятининг устувор йўналишларидан бири ҳам аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини қўллашдан иборат.*

*Фонднинг Қорақалпоғистон Республикаси бўлими бошқаруви томонидан ёлғиз кексалар, кам таъминланган оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан мадад беришга қаратилган чора-тадбирлар изчил давом эттирилмоқда.*

*Хусусан, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг тавсиялари асосида кам таъминланган оилаларнинг рўйхатлари шакллантирилиб, Фонднинг республика бошқарувига тақдим этилди. Мазкур рўйхат асосида бўлинмалар томонидан шу кунга қадар 30 га яқин ёш оиланинг никоҳ тўйларини ўтказишга ҳисса қўшдик.*

*Меҳрибонлик уйлари, ихтисослаштирилган мактаб ва мактаб-интернатлар тарбияланувчиларини, шунингдек, ижтимоий муҳофазага муҳтож оила фарзандларини қўллаб-қувватлаш бўйича ҳамкор ташкилотларга мунтазам равишда кўмаклашилмоқда. Жумладан, дарсликлар ва 12 номдаги ўқув қуроллари учун буюртмалар берилган. Ушбу ашёлар август ойининг бошида таълим муассасаларига тарқатилади.*

*Нукус шаҳри ҳамда Қўнғирот, Тахтакўпир ва Элликқалъа тумани бўлинмалари томонидан олий таълим муассасаларида бакалавр босқичида таҳсил олаётган 4 нафар ногирон, боқувчисини йўқотган талабага шартнома пулларини тўлашда ёрдам берилди.*

*Шунингдек, ёлғиз кексалар, ногирон ва эҳтиёжманд оилаларнинг уй-жойларини таъмирлашга 8,22 млн. сўм сарфланди.*

*Энг муҳими, бўлим мутасаддилари кишиларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, улардаги боқимандалик кайфиятига барҳам бериш борасида ибратли ишларни амалга ошираётир. Натижада эҳтиёжманд оилалар сони йилдан-йилга камайиб бормоқда.*

Қожабой ЕЛМУРОДОВ,
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Қорақалпоғистон Республикаси бўлими бошқаруви раиси.

СИЗДА ҚАНДАЙ ТАЖРИБА БОР?

## Залворли вазифалар масъулиятни оширади




Маслаҳатчи лавозимига тайинланганимга саккиз йилдан ошди. Орттирган тажрибамдан айтишим мумкинки, фуқаролар йиғинидаги ишлар «хизматчилик учун», «шунчаки» қилинадиган юмушлар эмас, балки виждон амри билан бажарилиши зарур бўлган вазифалардир.

Сабаби биз маслаҳатчилар мазкур лавозимга, аввало, ҳаётий тажрибага эга, ҳудуддаги намунали оила вакили, аҳоли ўртасида обрў-эътиборли ҳамда ўзининг тарбиявий таъсирини бошқаларга ўтказа олади, деган мезонлар асосида маҳалладошларимизнинг катта ишончи билан тайинланганмиз.

> [5]

МУНОСАБАТ

## ОИЛАДА ҲАМ, МАҲАЛЛАДА ҲАМ МЕҲР-ОҚИБАТ РИШТАЛАРИ БАРҚАРОР

**Обод турмуш йили нафақат менинг, балки бутун Ғаллаорол тумани аҳлининг ҳаётида унутилмас воқеаларга бой бўлди. Айниқса, Президентимизнинг туманимизга ташрифлари, юртдошларимиз билан дилдан суҳбатлашганлари, кўплаб долзарб масалалар юзасидан зарур тавсия ва маслаҳатлар берганлари ғаллаоролликларни янада ғайрат-шижоат билан меҳнат қилишга ундади.**

Шахсан мен ҳам ушбу ташриф доирасидаги фикр-мулоҳазалардан, таклиф ва тавсиялардан фаолиятим учун зарур кўплаб ғоялар олдим, қалбим фахр-ифтихорга тўлди.

Мустақиллигимизнинг 22 йиллик шодиёналари арафасида нуфузли мукофот — «Дўстлик» ордени билан тақдирланганим менга икки карра саодат ҳадя этди. Бу нафақат қишлоқдошларим, балки Ғаллаорол аҳлининг ҳам ютуғидир. Келажакдаги фаолиятимиз давомида бор куч-ғайратимизни халқимиз, Президентимиз ишончини оқлашга, зиммамиздаги залворли вазифаларни муваффақият билан адо этишга сарфлаймиз, албатта.

Таъкидлаш жоизки, жамиятнинг муҳим бўғини бўлган оилани мустаҳкамлаш юртимиздаги маънавий ўзгаришларнинг асосини ташкил қилади. Муқаддас даргоҳни ривожлантириш, нуфузини оширишга доир режалаштирилган дастурларни бажаришда жамиятнинг барча институтлари, айниқса, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳаллалар ҳам ўз имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда фаол иштирок этаётгани, кишиларнинг ишонч ва эътирофига сазовор бўлаётгани қувонарли.

Кўп йиллардан бери 8 мингдан зиёд аҳолига эга Булоқбоши қишлоқ фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозимида ишлаб келаман. Юртимиздаги кенг кўламли ислоҳотлар мазмун-моҳиятида айнан инсон манфаатлари ётганини, ҳар бир ўзгариш ва янгиликлар халқимиз учун имконият ва рағбат эшикларини очаётганини дилдан ҳис қиламан. Бу эса менга имконият ва ваколатлар доирасида самарали иш олиб боришимга кўмак, беқиёс куч-қудрат беради.

Фуқаролар йиғинлари ҳузуридаги Яраштириш комиссиялари фаолиятининг аниқ механизмлар асосида йўлга қўйилгани миллий урф-одат ва анъаналаримиз, халқимизга хос бағрикенглик, ҳамжиҳатлик, кечиримлилик, меҳр-оқибатлилик ғояларини тобора мустаҳкамлаб, ҳудудларда барқарор маънавий муҳитни юзага келтирди. Қишлоғимизда айнан мазкур комиссия ишининг самарали йўлга қўйилгани бугун кенг жамоатчилик томонидан ҳам эътироф этилаётир.

Комиссия аъзолари билан биргаликда йигит ва қизларни оила қуришга руҳий-маънавий жиҳатдан тайёрлаш, никоҳдан ажралишларни камайтириш бўйича тарғибот ишларини ташкил этяпмиз. Ёлғиз оналар ва боқувчисини йўқотган оилалар фарзандларини ижтимоий ҳимоялаш бўйича фуқаролар йиғинига аниқ таклифлар киритишимиз бундай оилалардаги моддий аҳволни ўнглади. Оилавий низолар оқибатида юзага келган эр-хотин, қайнона ва келин, яқин қариндошлар, қўни-қўшнилар ўртасидаги муносабатларда бировга опа, бировга сингил сифатида йўл кўрсатишга уриндик. Чунки киши қалби нозик, оилавий муносабатларни ҳал қилиш ундан ҳам қалтис иш. Баъзи хонадонларга ҳар куни ташриф буюриб оиладаги маънавий муҳитга салбий таъсир кўрсатувчи омилларни топдик ва бундай зиддиятларга барҳам беришга эришдик. Натижада оилаларда осойишталик қарор топгани фақат бизнинг муваффақиятимизгина эмас, жамиятимизнинг ҳам ютуғидир.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда фаолият юритаётган маслаҳатчилар қатори мен ҳам ушбу тизимнинг таъсирчан кучидан унумли фойдаланмоқдаман. Бугун йиғин фаолияти, хусусан, Яраштириш комиссия аъзоларининг саъй-ҳаракатидан аҳоли мамнун. Чунки Булоқбошидаги 1200 та оилада келишмовчиликлар кескин камайган, ўзаро меҳр-оқибат ришталари мустаҳкам қарор топган.

Шаҳринисо КАРИМОВА,
Ғаллаорол туманидаги Булоқбоши қишлоқ фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси.

# «ЎЗБЕК ХАЛҚИГА ТИНЧЛИК ВА ОМОНЛИК КЕРАК» РИСОЛАСИ ЖАҲОН ЖАМОАТЧИЛИГИ ЭЪТИБОРИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Давлатимиз раҳбари таъкидлаб ўтганидек, Афғонистондаги мавжуд ўта оғир ва таҳликали бир вазиятда АҚШ ва Европа давлатларининг АЙСЕФ, яъни тинчлик ўрнатиш кучлари деб ном олган ҳарбий қўшинларининг 2014 йилнинг охиригача ушбу мамлакат ҳудудидан олиб чиқиб кетилиши билан Афғонистонда ўзаро қарама-қарши кучлар ўртасидаги курашнинг авжига чиқиши, террорчилик, қурол-яроғ савдоси, наркотрафик, турли диний, миллатлараро низоларнинг кучайиб, фуқаролар урушининг яна қайтадан бошланиш хавфи ортади.

Президент Ислом Каримов афғон можаросини бартараф этишнинг ягона йўли — сиёсий йўл бўлиб, қанчалар қийин бўлмасин, қарама-қарши кучларни музокаралар орқали ўзаро келишувга олиб келиш экани тобора ўз тасдиғини топаётганлигини алоҳида таъкидлади. Айни шу аснода вақтинчалик ҳукумат тузиш, сайловлар ўтказиш, Афғонистон олдида турган оғир муаммоларни ҳал этишга ўтиш имкони пайдо бўлишини бугунги кунда кўпчилик эътироф этмоқда.

Юқорида зикр этилган Ўзбекистон Республикаси Ташқи сиёсий фаолият концепциясида мамлакатимиз «тинчликсевар сиёсат юритади ва ҳарбий-сиёсий блокларда иштирок этмайди», деб аниқ-равшан баён қилинган. «Ўзбекистон қўшни давлатлардаги қуролли можароларга ва кескинлик ўчоқларига тортилишининг олдини олиш юзасидан барча зарур чора-тадбирларни кўради, шунингдек, ўз ҳудудида хорижий давлатларнинг ҳарбий базалари ва объектлари жойлаштирилишига йўл қўймайди», дея таъкидланади.

Шу борада мамлакатимиз раҳбарининг мазкур концепцияга асосланган ҳолда билдирган қуйидаги фикрларини келтириш ўринлидир: «Ўзбекистон Афғонистоннинг ички ишларига аралашмаслик, Афғонистонга қарши қаратилган турли ҳарбий-сиёсий блокларда қатнашмаслик, Афғонистон билан алоқаларимиз ва ҳамкорлигимизни фақатгина икки томонлама асосда ташкил қилиш, афғон халқи танлаган ҳукуматни қўллаб-қувватлаш сиёсатини ўзига маъқул топади».

Бундай қатъий, шу билан бирга, узоқни кўзлаган, чуқур ўйланган сиёсатни олдинга суриш учун Афғонистоннинг яқин қўшниси бўлмиш Ўзбекистонда барча асослар бор. Авваламбор, бу Афғонистон билан узоқ тарихий ўтмишга бориб тақаладиган яхши қўшничилик, ўзаро ҳурматга асосланган алоқаларимиз, мамлакатимизнинг Марказий Осиёда тутган алоҳида ўрни ва минтақамизда тинчлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган ва жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилган мустаҳкам ва собитқадам ташқи сиёсатидир.

Айнан мана шу омиллар сабаб, «Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак» рисоласида минтақамиз ва унинг атрофида рўй бераётган кескин ўзгаришлар таҳлили, Афғонистондаги вазият ва афғон муаммосини ҳал этиш борасида билдирилган амалий хулоса ва таклифлар бугун нафақат мамлакатимизда, балки халқаро майдонда ҳам кенг акс-садо бермоқда. Чет давлатларнинг сиёсий-ижтимоий, эксперт ва илмий-академик доиралари, оммавий ахборот воситалари ва халқаро ташкилотлар томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда ва баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда.

Энг аввало, давлатимиз раҳбарининг фикрларига бевосита Афғонистоннинг ўзида катта қизиқиш кузатилмоқда. Президентимизнинг интервьюси ушбу давлатнинг етакчи оммавий ахборот воситаларида инглиз, дари ва ўзбек тилларида нашр этилди. Жумладан, Афғонистоннинг етакчи «Daily Outlook Afghanistan» газетаси, «Саҳро» ижтимоий-сиёсий журнали интервьюнинг тўла матнини «Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак» сарлавҳаси остида чоп этди.

Ислом Каримов интервьюси Афғонистон билан қўшни бўлган Покистоннинг «Balochistan today» ва «Ittihad» газеталарида, Эроннинг «Iran News» газетасида ва Хитойнинг «Lookwe» журналида, АЙСЕФ иштирокчилари бўлмиш АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Италия, Бельгия, Латвия, Туркия ҳамда мусулмон дунёсида ўз мавқеига эга бўлган Саудия Арабистони, Кувайт, Малайзия ва бошқа давлатларнинг босма ва электрон нашрларида кенг ёритилди.

Таъкидлаш жоизки, хорижий оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган мақолаларда Ўзбекистоннинг Афғонистонда тинчлик ва барқарорликнинг ишончли тарафдори экани ва ушбу мақсадлар учун фаол сиёсий-дипломатик саъй-ҳаракат кўрсатаётганлиги алоҳида урғуланмоқда. Энг муҳими, барча нашрлар Ўзбекистоннинг принципиал позицияси — Афғонистондаги низони бартараф этишнинг ягона йўли — сиёсий йўл эканлигини тўлалигича қўллаб-қувватлаган ҳолда, мазкур муаммонинг ечимига ўзаро курашаётган қарама-қарши томонларни музокаралар столи атрофига тўплаш ва уларни муросага олиб келиш орқали эришиш мумкинлигини эътироф этишмоқда.

Интервьюда Президент Ислом Каримов томонидан Афғонистон борасида билдирилган фикр ва таклифлар жаҳоннинг етакчи сиёсатчилари, эксперт ва олимлари томонидан ҳам қизғин муҳокама этилиб, юқори баҳоланмоқда.

Жумладан, АҚШнинг Жон Хопкинс университети қошидаги Марказий Осиё ва Кавказ институти раҳбари Фредерик Старрнинг таъкидлашича, Президент Ислом Каримов Афғонистондаги вазиятни «ўта оғир ва нозик» дея, аниқ ва равшан таҳлил этди. Бугунги кунда афғон муаммосини ҳарбий йўл билан ҳал этиб бўлмаслигини реал фикрлай оладиган ҳар бир инсон тушуниб етмаслиги мумкин эмас.

Нью-Йорк давлат университети профессори П.Морвиж Афғонистондан чет эл ҳарбий кучларининг олиб чиқиб кетилиши бу мамлакатдаги вазиятни таngликка олиб келиши мумкинлигини қайд этган ҳолда, Президент Ислом Каримовнинг бу борадаги сўзларини ўз халқининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш ҳақида қайғурадиган чинакам давлат раҳбарининг ҳаракатидир, деб изоҳлайди. Мана шу сабаб, Ислом Каримов Афғонистондаги асосий кучларни ўзаро қарама-қаршиликларни музокаралар столи атрофида ечишга, ҳарбий тўқнашувларнинг янгитдан авж олиб кетмаслигига ва ушбу давлатдаги беқарорликнинг қўшни давлатларга тарқалишининг олдини олишга чақирмоқда, дейди П.Морвиж.

АҚШнинг Карнеги фонди эксперти М.Олкотт Ўзбекистон афғон муаммоси атрофидаги ўзгаларнинг ўйинларига қўшилмаслигини ва жанубдаги қўшниси билан муносабатларини фақаттина икки томонлама асосда, ички ишларга аралашмаслик, тинчликсеварлик ва яхши қўшничилик принциплари асосида қуришини ижобий баҳолайди.

Америкалик мутахассис Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган электр энергиясининг Афғонистонга етказиб берилиши ушбу давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий тикланишига улкан ҳисса қўшаётганини таъкидлайди. Икки давлатни боғлаб турувчи темир йўл ҳамда тезюрар автомобиль йўлларининг барпо этилиши Афғонистон иқтисодиётини тиклашда муҳим аҳамият касб этаётганига эътиборини қаратади.

М.Олкотт, «Ўзбекистон, шубҳасиз, бундан кейин ҳам ўзининг икки томонлама муносабатлари доирасида Афғонистонни иқтисодий ва ижтимоий тиклаш жараёнида муҳим роль ўйнайди», дея ишонч билдиради.

Британия — Ўзбекистон жамияти раиси лорд Ф.Понсонби Ўзбекистон раҳбарияти Афғонистондаги ҳозирги вазиятни чуқур англаши ва уни келажакдаги ривожи борасида қайғураётганини таъкидлаган ҳолда, Ислом Каримов томонидан илгари сурилган БМТ шафелиги остида «6+3» мулоқот гуруҳининг ташкил этилиши афғон муаммосини тинч йўл билан ҳал қилинишида муҳим роль ўйнаган бўлур эди, деб ҳисоблайди. Британиялик сиёсатчининг фикрича, Афғонистондаги ўтиш жараёнида ва бу мамлакатда тинчлик ва барқарорликни таъминлашда барча қўшни давлатларнинг иштироки катта аҳамият касб этади.

Буюк Британиянинг Кембриж университети профессори С.Саксенанинг қайд этишича, Президент Ислом Каримов ўта чигал ва мураккаб ҳисобланмиш афғон муаммосини тинч йўл билан ҳал этиш учун батамом янгича концептуал ёндашувни таклиф этиб, уни содда, лўнда ва кучли мантиққа таянган ҳолда баён этди. Хусусан, Ўзбекистон раҳбари асосий эътиборни афғон халқи ва жамиятини жипслаштиришга қаратиш, ҳар қандай шароитда ҳам, авваламбор, афғон халқининг иродасига таяниш лозимлигини таъкидлади. Айнан мана шундай ижобий ёндашувгина Афғонистонда неча ўн йиллардан буён давом этаётган зўравонлик ва қон тўкилишини тўхтатиши мумкин, деб ҳисоблайди олим.

С.Саксенанинг сўзларига кўра, «Афғонистон, ўз назорати ва гегемониясини ўтказишга ҳаракат қилаётган бошқа давлатлардан фарқли ўлароқ, Ўзбекистондек тинчлик ва ҳамкорликка чорлаётган ишончли қўшниси борлигидан фахрланса арзийди».

«Менга Ислом Каримовнинг Хотира ва қадрлаш кунида билдирган фикрлари, айниқса, уруш инсоният учун нақадар даҳшатли қирғин экани, бу офатнинг олдини олиш ва тинчлик-осойишталикни асраш дунёдаги ҳар бир инсоннинг бурчи эканини куюниб айтган сўзлари ниҳоятда қаттиқ таъсир қилди, — дейди германиялик эксперт Ф.Лемке. — Ўзбекистоннинг тинчликсевар ташқи сиёсат юритиши, дунёни қайтадан бўлиб олишга интилаётган давлатларнинг турли хил геосиёсий ўйинларида иштирок этмаслиги ҳам менда катта таассурот қолдирди».

Ф.Лемкенинг фикрича, Ўзбекистон Президентининг «тинчликсиз ривожланиш бўлмайди, ривожланишсиз эса келажак ҳам бўлмайди» деган сўзларини ҳеч ким инкор эта олмайди. Шундай экан, Ислом Каримовнинг ўз халқига, қўшни халқлар ва жаҳондаги барча давлатларга Афғонистонда тинчлик ўрнатиш ҳақидаги чақириғи эзгулик ва ривожланишга қаратилган таклифларни қўллаб-қувватлаш нақадар муҳим эканлигини, ҳарбий йўл билан ҳеч қандай муаммони ечиб бўлмаслигини англатади.

«Президент Ислом Каримов Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий принципларини мамлакат мустақиллигининг 22 йиллик байрамини нишонлаш арафасида яна бир бор очиқ ва равшан баён этди», — дейди Францияда жойлашган Европа келажаги ва хавфсизлигини тадқиқ қилиш институти раҳбари Э.Дюпюи. Мутахассиснинг сўзларига кўра, Ўзбекистоннинг ҳар қандай ҳарбий-сиёсий блокларда ва ҳарбий интервенцияларда иштирок этмаслик принципи қонуний асосга эга. Тошкентнинг бундай стратегияси Афғонистон билан икки томонлама ҳамкорлигини янада ривожлантиришга ёрдам беради, дея ишонч билдиради Э.Дюпюи.

Францияда чиқадиган «Les milieux des empires» таҳлилий журналининг бош муҳаррири С.д'Изарннинг таъкидлашича, Ислом Каримов интервьюси Ўзбекистон раҳбариятининг Афғонистондаги вазият борасида билдираётган асосли ташвишлари билан бирга, ҳар қандай шароитда ҳам Ўзбекистоннинг ушбу давлат билан яхши қўшничилик алоқаларига таянадиган қатъиятли позициясини кўрсатади.

2014 йил охирида АЙСЕФ қўшинларининг Афғонистондан олиб чиқилиши вазиятни янада кескинлаштириб юбориши мумкинлигини инобатга олган ҳолда, С.д'Изарн ушбу муддатга қадар Президент Ислом Каримовнинг умумафғон сиёсий музокараларини бошлаш ва зарурий келишувларга эришиш кераклиги ҳақидаги фикр ва таклифлари жаҳон ҳамжамияти томонидан сўзсиз қўллаб-қувватланиши лозим, деб ҳисоблайди.

Бельгия Сенати аъзоси Доминик Тильманс «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюсида шундай деди: «Мен Ўзбекистон Президентининг Марказий Осиёда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга қаратилган интилишлари билан мутлақо ҳамфикрман. Албатта, минтақадаги вазият оддий эмас. Бу борада Ўзбекистонинг турли ҳарбий блокларга кирмаслик ва уларда қатнашмаслик позицияси мутлақо тўғри ва долзарбдир».

«Биз Ислом Каримовнинг Хотира ва қадрлаш кунида Ўзбекистон Афғонистонга нисбатан икки халқнинг туб манфаатларидан келиб чиққан ҳолда сиёсат олиб боради, деган сўзларини тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз», дея таъкидлайди Хитойнинг Ижтимоий фанлар академияси ҳузуридаги Россия, Шарқий Европа ва Марказий Осиёни тадқиқ этиш институти ходими Су Чан.

Мутахассиснинг фикрига кўра, Хитой ва Ўзбекистон Афғонистоннинг қўшнилари сифатида ушбу мамлакатдан коалицион кучларнинг чиқиб кетишидан сўнг юзага келиши мумкин бўлган салбий вазият борасида жиддий ташвишланмоқда. «Биз Афғонистон муаммоси фақат афғон халқи томонидан ҳал этилиши, ҳар қандай ташқи кучларнинг аралашуви эса бу мамлакатдаги аҳволни янада оғирлаштириши ва минтақавий хавфсизликка салбий таъсир кўрсатиши мумкин, деб ҳисоблаймиз. Шу билан бирга, Афғонистонга кўрсатилаётган иқтисодий ва гуманитар ёрдамни янада кучайтириш зарур», — дейди Су Чан.

Япониянинг Шарқий Осиё тадқиқотлари институти директори У.Магосакининг фикрича, Ўзбекистоннинг минтақавий хавфсизликни таъминлаш, халқаро терроризм, экстремизм ва гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланувига қарши кураш сиёсати Марказий Осиёнинг барқарор ривожланиши учун энг муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

«Ҳақиқатан ҳам, Афғонистондан халқаро кучларнинг олиб чиқиб кетилиши миллатлараро можароларнинг кучайишига ва чуқурлашишига олиб келиши мумкин. Шу сабабдан, Афғонистондаги мавжуд муаммоларни муваққат ҳукумат тузиш ва сайловлар ўтказиш йўли билан ҳал этиш кечиктириб бўлмайдиган вазифа ҳисобланади. Бу мураккаб жараёнда энг муҳим омил — янги сиёсий орган тузиш йўлида Афғонистоннинг турли сиёсий гуруҳлари орасида умумий келишувга эришишдир. Ушбу жараёнда ҳал этувчи бўғин сифатида БМТ ва НАТО каби халқаро ташкилотлар, шунингдек, қўшни мамлакатлар иштирок этиши лозим. Муваққат ҳукуматнинг тузилиши Афғонистонда барқарор давлатчиликни шакллантириш ва кўпмиллатли афғон халқининг тинч-тотув яшаши учун қулай шароитлар яратишга имконият туғдиради», деб ҳисоблайди У.Магосаки.

Япониянинг Ниагата университети профессори Шигеки Хакамаданинг таъкидлашича, Афғонистон ҳудуди ташқи кучларнинг «катта геосиёсий ўйини» майдони бўлиб қолмоқда — улар Афғонистондаги вазиятдан фойдаланиб ўз таъсир доираларини кенгайтириш ва мавқеларини кучайтиришга ҳаракат қилишмоқда. Эътиборлиси шундаки, Афғонистондаги вазиятнинг ўта нозиклиги ва унинг олдиндан айтиб бўлмайдиган оқибатларга олиб келишига қарамасдан, ҳанузгача жаҳон ҳамжамияти ва расмий Кобул афғон муаммосини ҳал этиш бўйича ягона бир фикрга келмади, дея фикр билдиради япониялик мутахассис.

Малайзиянинг собиқ Ташқи ишлар вазири ўринбосари, «Геракан» партияси раисининг ўринбосари, сенатор Кохилай Пилай Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда минтақавий хавфсизликни таъминлаш борасидаги олиб бораётган сиёсати ва афғон муаммосини ҳал этишдаги ташаббус ва саъй-ҳаракатларини юқори баҳолайди. Унинг фикрича, Афғонистоннинг қўшниси сифатида Ўзбекистон бошқа давлатларга нисбатан ушбу мамлакатда рўй бераётган мураккаб сиёсий жараёнларни аниқ ва чуқур ҳис эта олади. Шунинг учун ҳам Президент Ислом Каримов жаҳон ҳамжамияти эътиборини Афғонистонда ўзаро курашаётган томонлар ўртасида келишувга эришиш зарурлигини ва унинг асносида барча этник ва диний гуруҳлар манфаатини ифода этувчи коалицион ҳукумат тузишга жалб этмоқда. Фақат шу йўл билангина бу мамлакатда тинчлик ўрнатиш мумкин, дея таъкидлайди К.Пилай.

Малайзиялик яна бир эксперт, «Binary» университети профессори Зулфиқли Ҳожи Сентери: «Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатилиши Ўзбекистон ва Марказий Осиё мамлакатлари учун улкан бозорга эга бўлган Осиё ва Тинч океани давлатларига энг яқин масофа билан чиқиш имкониятини яратади. Бу эса ушбу минтақаларда жойлашган мамлакатлар ўртасида савдо-иқтисодий ва инвестицион алоқаларни янада ривожлантиришга катта туртки беради. Шуларни инобатга олган ҳолда, АСЕАН ташкилотига кирувчи давлатлар ҳам Афғонистонда тинчлик ва осойишталик ўрнатилишидан ғоят манфаатдор», дея таъкидлайди.

Латвияда жойлашган Болтиқ халқаро академияси профессори И.Стеценконинг сўзларига кўра, Ислом Каримовнинг яхши қўшничилик, ўзбек халқининг осойишталиги ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган оқилона сиёсати нафақат Марказий Осиё, балки Европа давлатларининг ҳам тинчлик ва хавфсизлигини таъминлашга катта ҳисса қўшади. «Ишончим комилки, Ибн Сино, Улуғбек, Беруний ва Навоий каби буюк алломаларнинг фалсафаси ва дунёқарашларини ўзида мужассам этган ўзбек халқи ўз аждодларининг меросини давом эттирган ҳолда, халқлар ва давлатлар ўртасида тинчликни сақлаш, маданий ва маърифий ҳамкорликни кучайтириш, донишмандлик, одамийлик ва бағрикенгликни тарғиб этади», — дейди И.Стеценко.

Мухтасар қилиб айтганда, Президент Ислом Каримовнинг жорий йилнинг 9 май куни Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан берган интервьюсига хорижий мамлакатларнинг оммавий ахборот воситалари, сиёсий, академик, эксперт ва таҳлилий доира вакиллари томонидан билдирилаётган фикр-мулоҳазалар Ўзбекистоннинг Афғонистонда тинчлик ўрнатиш, Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича чуқур ўйланган позицияси жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг қўллаб-қувватланаётганининг яққол далилидир.

«Жаҳон» ахборот агентлиги.

БОШҚАРУВ ЙИҒИЛИШЛАРИДА

# ФАОЛИЯТГА ТАҲЛИЛИЙ ВА ТАНҚИДИЙ ЁНДАШИЛДИ

**Мазкур ҳафтада «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг ҳудудий бўлимлари бошқарув йиғилишларида «Обод турмуш йили» Давлат дастурида белгиланган тизимга тааллуқли бандлар ҳамда фонднинг 2013 йилга мўлжалланган иш режаси ижроси муҳокамаси қизғин давом этди.**

Фонднинг жойлардаги бўлим ва бўлинмалари томонидан шу йилнинг ўтган олти ойи давомида амалга оширилган ишлар атрофлича муҳокама этилиб, галдаги устувор вазифаларга эътибор қаратилди.

Наманган вилоятида 892 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи фаолият кўрсатиб келмоқда. Фонднинг вилоят бўлинмаси, шаҳар ва туманлар бўлинмалари билан ҳамкорликда ҳисобот даврида тизим ходимлари ҳамда аҳоли ўртасида 1,5 мингдан ортиқ кенг қамровли тарғибот тадбирлари ўтказилди. Уларда асосан юртдошларимизнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий-маърифий билимларини янада ошириш, соҳага оид қабул қилинган қонунларни тушунтириш масалаларига эътибор қаратилди. Шунингдек, «Обод турмуш йили» Давлат дастурининг тегишли бандлари ҳамда «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг 2013 йил иш режаси ижроси юзасидан ҳам талайгина ишлар амалга оширилди. Ёлғиз қариялар, болалар ва ногиронларни, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган аниқ манзилли чора-тадбирлар бунга мисолдир. Шу билан биргаликда, тизимда фаолият кўрсатаётган ходимларга қулай шароит яратиш мақсадида 119 та фуқаролар йиғини биноси таъмирланиб, 109 таси мебель, 94 таси компьютер жамланмаси билан таъминланди. Шунингдек, 502 та маҳаллада 1203 та маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси барпо этилиб, 3341 та янги иш ўрни яратилишига кўмаклашилди.

Йиғилишда фонднинг Наманган вилоят бўлими бошқаруви раиси Насриддин Садриддинов кун тартибидаги асосий масалага атрофлича тўхталиб, олиб борилган ишлар ва эришилган ютуқларни эътироф этиш билан бирга, йўл қўйилган хато ва камчиликларни ҳам бирма-бир таҳлил қилди. Ўз - ўзини танқид руҳида ўтган йиғилишда Давлат дастури ҳамда фонд иш режаси ижросини таъминлашда сусткашликка йўл қўйган бир қатор туман бўлинмалари раисларига фаолиятини тубдан ўзгартириш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Шунингдек, йиғилишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига услубий-амалий кўмаклашиш, спорт ва турли кўрик-танловларни ташкил этиш, қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, эрта турмуш қуришнинг олдини олиш каби долзарб масалалар ҳам муҳокама этилди. Сўзга чиққанлар мазкур йўналишларда олиб борилаётган ишларни таъкидлаш билан бирга, эътибор қаратилиши лозим бўлган жиҳатларига ҳам тўхталдилар.

«Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Андижон вилоят бўлими бошқаруви йиғилишида Фонд бўлим ва бўлинмаларининг ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда амалга оширган қатор хайрли ишлари эътироф этилди. Хусусан, «Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми» ННТ минтақавий ахборот маркази орқали фуқароларга 364 та маслаҳат, 73 та ижтимоий, 73 та бизнес лойиҳаларни амалга оширишда кўмаклашилди. Биргина «Обод уйим» лойиҳаси доирасида 20 миллион сўм маблағ сарфланди. Олтинкўл, Асака туманларида ҳомийлар кўмаги билан замонавий маҳалла гузарлари барпо этилиб, аҳолига сервис ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ишга туширилди.

Фонд бўлинмалари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тадбиркорлар сафини янада кенгайтириш бўйича маҳаллаларда ҳуқуқий-иқтисодий йўналишда 6 минг 700 дан зиёд тарғибот-тушунтириш ишлари олиб борилиши натижасида 8 мингдан ортиқ иш ўринлари яратилди. Фонднинг жорий йилги иш режаси ижроси доирасида ҳам бирмунча ишлар амалга оширилди. Жумладан, 868 та маҳаллада ҳамкор ташкилотлар билан ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳамда маънавий-маърифий мавзуларда 15 мингдан зиёд учрашув, давра суҳбатлари ўтказилиб, уларда 650 мингдан зиёд аҳоли қамраб олинди. Шунингдек, олти ой давомида 70 дан ортиқ фуқаролар йиғинларида «Ободлик кўнгилдан бошланади», «Миллий қадриятларимизни асрайлик» мавзуларида семинарлар, ободонлаштириш тадбирлари уюштирилди.

Йиғилиш кун тартибидаги асосий масала юзасидан маъруза қилган фонднинг вилоят бўлими бошқаруви раиси Икромиддин Валиев Давлат дастури бандлари ҳамда фонд иш режаси ижросини таъминлашда сусткашликка йўл қўйган бўлинмаларнинг камчиликларини таъкидлаб, уларнинг фаолиятига танқидий баҳо берди.

Фарғона вилояти маҳалла марказида ўтган фонд бўлими бошқаруви йиғилишида ҳам биринчи ярим йиллик якунлари муҳокама этилди. Бўлим бошқаруви раиси Акрамжон Юлбарсов ўз маърузасида ҳар бир шаҳар ва туман бўлинмалари фаолиятини аниқ мисоллар асосида таҳлил қилди.

Йиғилишда Давлат дастури бандлари ҳамда фонд иш режаси доирасидаги чора-тадбирлар билан бирга фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари фаолияти самарадорлигини ошириш борасидаги ишларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Вилоятдаги 1029 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи қошида «Ота-оналар университети» ташкил этилган. Ҳисобот даврида улар томонидан турли йўналишларда 3248 та тадбир ўтказилди. Бундан ташқари, «Оила-маҳалла-таълим муассасаси» ҳамкорлик механизмини кучайтириш бўйича тасдиқланган чора-тадбирлар доирасида ҳудудий жамоат кенгашлари томонидан 7433 маротаба ўрганиш ва тушунтиришлар олиб борилди. «Мустаҳкам оила — мустаҳкам маҳалла», «Оила — муқаддас даргоҳ», «Маҳалладан бошланур Ватан» мавзуларида маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилди.



Йиғилишда таъкидланганидек, амалга оширилган ишлар, эришилган ютуқлар ўзимизники. Эндиги мақсад — камчиликларни чуқур ўрганиб, уларни такрорламаслик чораларини кўришдан иборат. Шу боис айрим шаҳар ва туман бўлинмалари раислари фаолиятига танқидий баҳо берилиб, тизим ходимлари олдида турган галдаги устувор вазифалар белгилаб олинди.

Йиғилишларда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Шунингдек, ярим йиллик якунлари ҳамда келгусидаги устувор вазифаларга бағишланган сарҳисоб йиғилишлари «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Тошкент, Бухоро, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳар бўлимлари бошқарувларида ҳам чуқур таҳлил ва танқид руҳида ўтказилди.

Мухбирларимиз хабарлари асосида тайёрланди.

АҲОЛИ БАНДЛИГИ

# ТАШАББУС ВА ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНАДИ


Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

< [1]

Таъкидлаш жоизги, фуқароларнинг иш билан бандлигини таъминлаш, уларга муносиб меҳнат шароитлари яратишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш кишилардаги тадбиркорлик қобилиятларини юзага чиқишига туртки бермоқда. «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва унинг ҳудудий тузилмалари эса бундай эзгуликларга доимо бош-қош бўлишаётир.

Фонд республика бошқаруви маълумотларига кўра, Обод турмуш йилида жойларда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини доимий меҳнатга жалб этишда Фонднинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлими ҳамда бўлинмалари томонидан амалга оширилган тадбирлар натижасида кўплаб оилаларнинг моддий аҳволи ўнгланди, ёшлар севимли касб эгалари бўлишди.

Томорқалардан унумли фойдаланиш орқали қишлоқлар аҳолисининг ҳам моддий аҳволи яхшиланаётгани, ҳам бандлиги таъминланаётгани янада қувонарли. Шаҳарча, қишлоқ ва овул фуқаролар йиғинларининг (кунлик, ҳафталик, ойлик) режалари асосида томорқалардан самарали фойдаланишни ташкил этиш кунлари жорий этилиб, фонд томонидан фуқаролар йиғинларига услубий ва амалий ёрдамлар кўрсатилаётир.

Касб-ҳунар коллежлари битирувчилари орасидан турли сабабларга кўра ишга жойлашмаган йигит-қизлар тақдири ҳам Фонд мутасаддиларининг эътиборидан четда эмас. Юртимиз маҳаллаларида истиқомат қилаётган бундай ёшларнинг хонадонларида бевосита тушунтириш ишлари олиб бориш — жамоатчилик назоратини ўрнатиш натижасида мазкур битирувчиларнинг 56741 нафари билан турли ташкилот ва корхоналар ўртасида меҳнат шартномалари тузилди.

— Ободликка тўлақонли эришишда аҳолининг моддий таъминотини юксалтириш муҳим омиллардан, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви бош мутахассиси А.Азизов. — Бу борада комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, кичик бизнесни ривожлантириш орқали 21244 та, касаначиликни кенгайтириш натижасида 10474 та иш ўрни яратилди. 10083 нафар йигит-қиз эса, қишлоқларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, қишлоқ хўжалигини модернизациялаш борасида амалга оширилган тадбирлар боис доимий меҳнатга жалб этилди. Қишлоқларга саноатни олиб кириш, ижтимоий ва бозор инфратузилмасини, транспорт ҳамда коммуникация қурилишини такомиллаштириш, аҳоли пунктларини ободонлаштиришни кенгайтириш билан боғлиқ хатти-ҳаракатлар 8044 нафар юртдошимизнинг фойдали машғулот билан шуғулланишига имконият яратди.

Янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 17-моддасида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳудудда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиши белгиланган. Жойларда ушбу талабларнинг изчиллик билан бажариб келинаётгани боис, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, касаначилик, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчилик кенг қулоч ёзаётир. Қувонарлиси, бундай хайрли тадбирлар 19100 нафардан зиёд ёшлар ва хотин-қизларнинг тадбиркорлик салоҳиятини юзага чиқарди.

Таъкидлаш жоизки, ҳар қандай ташаббус ва лойиҳа мукаммал молиялаштирилсагина, кўзланган натижалар тезда бўй кўрсатади. Фонд ҳудудий тузилмалари томонидан 67,2 млн. сўмдан ортиқ маблағ меҳнатга лаёқатли кишиларнинг ишбилармонлик салоҳиятига куч берди. Ишлаб чиқаришни йўлга қўяётганлар зарур ускуналарни харид қилишди. «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг иш режасидан аҳоли бандлигини таъминлаш ва тадбиркорликка иштиёқманд кишиларга беминнат кўмаклашишдек эзгу ишлар кенг ўрин олган.

Юлдуз ҲОЖИЕВА
«Mahalla»

ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ИМКОН

# РАҚОБАТ МАСЪУЛИЯТ, ИЗЛАНИШ ВА ИНТИЛИШНИ ТАЛАБ ҚИЛАДИ


ЎзА сурати.

**Бугун Ўзбекистон ўзининг юксак сиёсий мавқеи, ишлаб чиқариш салоҳияти, барқарор иқтисодиёти билан жаҳоннинг ривожланаётган мамлакатлари қаторидан муносиб ўрин эгаллади.**

Истиқлол шарофати билан юртимизнинг ҳар гўшаси, шаҳар ва туманларимиз, қишлоқларимиз, маҳаллаларимиз кундан-кунга чирой очиб, замонавий корхоналар, маданий-маиший иншоотлар, равон йўллар барпо этиляпти. Амалга оширилаётган ислоҳотлар, янгиланишлар натижасида ҳар бир соҳа ривожланмоқда. Айниқса, юртимизда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун имкониятлар ва қулай ишбилармонлик муҳити қарор топмоқда.

Ушбу имкониятлардан фойдаланиб оилавий бизнесни йўлга қўйдик. Юртбошимиз ташаббуслари билан қабул қилинган «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги ҳамда «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунлар фаолиятимизда муваффақиятларга эришишга асос бўляпти.

Жорий йил бошида банкдан бир миллиард сўм миқдорида кредит маблағи олиб, бахмал ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Юнусжон аҳли» оилавий корхонасини ташкил қилдик. Бугун корхонамиз юртимиз аҳлини сифатли ва бежирим бахмал матолари билан таъминлаб келмоқда.

Тадбиркор бозор талабини пухта ўрганиб, маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйса, элга нафи тегади, даромади ортади. Шуларни инобатга олган ҳолда сифатли ва рақобатбардош гулли бахмал матолари ишлаб чиқаришни бошладик. Кучли рақобат муҳити тадбиркорлардан алоҳида масъулиятни, изланиш ва янгиликларга интилишни талаб қилмоқда.

Истиқлолдан сўнг миллий қадриятлар асосида шаклланган, қулай бошқарув тизими — маҳалла институтига эътибор кучайди. Айни пайтда ушбу қадрдон тизим кўмаги билан аксарият муаммоларга ечим топилиб, жамиятдаги барқарорлик мустаҳкамланаётир. Корхонамизнинг ташкил этилишидан бошлаб биз ҳам «Пўлатдархон» маҳалла фуқаролар йиғини билан мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатдик. Янги иш ўринларига энг аввало, маҳалладаги кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларни жалб этяпмиз. Бу эса ҳududдаги фаровонликка ҳисса қўшмоқда.

Корхонада олтмиш бир нафар маҳалладошимиз бахмал ишлаб чиқаришга жалб қилинган. Ишчи-ходимларнинг маошларини тайёрланган маҳсулотнинг сифати ва тўқувчининг маҳоратига қараб белгилаймиз. Янги келган ходимларга бир ҳафта давомида иш ўргатилиб, тегишли йўл-йўриқлар кўрсатилади. Қувонарлиси, маҳалла фуқаролар йиғини қошидаги Хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссия аъзолари маҳалла аёлларини доимий меҳнатга жалб этишда бизга кўмак беряпти. Турли байрамлар муносабати билан ишчи-ходимларни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратяпмиз.

Корхонамизда тўқсонга яқин замонавий тўқув машинаси мавжуд. Уларда кунига 600-700 метр турли хилдаги ранг-баранг бахмаллар ишлаб чиқарилади. Бизнес режамизга кўра, маҳсулот ишлаб чиқариш даражаси ойига йигирма минг метрни ташкил этади. Юқорида келтирилган кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда бир йилда икки миллиард сўмдан ошиқ маҳсулот ишлаб чиқаришни режалаштирганмиз.

Ҳозирги пайтда фаолиятимизни кенгайтириш ва ривожлантиришга қаратилган янги лойиҳа устида иш олиб боряпмиз. Қўшимча қувватларнинг ишга тушиши муносабати билан яна йигирма киши доимий иш ўрнига эга бўлади. 2014 йилга бориб, иш ўринлари сонини юзтага етказмоқчимиз.

Дарҳақиқат, бугунги кун биз тадбиркорлардан нафақат ишбилармонликни, ташаббускорликни, балки эл фаровонлигини, тотувлигини кўзлаган ҳолда фаолият олиб боришни талаб қилмоқда. Эришаётган барча ютуқларимиз, қўлга киритган муваффақиятларимиз замирида, албатта, истиқлол берган имконият мужассам.

**Фурқат ОБИДОВ,**
**Самарқанд вилояти Оқдарё туманидаги «Юнусжон аҳли» оилавий корхонаси директори.**

МАҲАЛЛАДА САНОАТ

# Янги лойиҳалар амалга оширилмоқда

*Бухоро вилояти Ромитан тумани Қўрғон қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги «Бахтиёрчи» маҳалласида «Шарофат Инвест Текс» қўшма корхонаси иш бошлади.*


ЎзА сурати.

Корхона Хитойдан келтирилган 60 дона тикув машинаси билан жиҳозланди. Зарур хомашё — трикотаж матосини етказиб бериш бўйича Намангандаги «Golden silk» корхонаси билан шартнома тузилди.

Жорий йилнинг олти ойи мобайнида 200 минг доллардан зиёд қийматдаги тайёр кийим-кечакнинг бари хорижга экспорт қилингани корхонанинг ташқи бозорда ўз ўрнига эга бўлаётганидан далолатдир. 40 нафар аёл ва 10 нафар коллеж битирувчисини иш билан таъминлаган тадбиркорлар ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш ниятидалар.

«2013-2015 йилларда туманда саноат салоҳиятини ошириш, корхоналар қувватини модернизация қилиш ва янги қувватларни ташкил қилиш манзилли дастури»га мувофиқ жорий йилда шу йўналишда 9 та лойиҳа рўёбга чиқарилиб, 90 та янги иш ўрни яратиш белгиланган.

Тадбиркорлар саъй-ҳаракати билан 6 ойда 6 та лойиҳа амалга оширилиб, турли мулк шаклидаги «Ромирг Қурилиш», «Қалайчорбоғ текс», «Жасурбек Фирдавс», «Ходжиев Ф.», «Ромитансавдо», «Ширин нон» корхоналари ишга туширилди.

Нилуфар ЮНУСОВА
«Mahalla»

КАСАНАЧИЛИК

# ИШТИЁҚ ВА ТАШАББУС УЙҒУНЛАШСА...

**Қувасой туманидаги «Мўян» маҳалласида истиқомат қилувчи Гулчеҳра Зокирова нафақа ёшида бўлса-да, «Қувасой цемент» ишлаб чиқариш акциядорлик корхонасига касаначи бўлиб ишга кирди. У уй шароитида корхона томонидан берилган буюртмаларни бажариб, оиласи фаровонлигига муносиб ҳисса қўшмоқда.**



ЎзА сурати.

— Корхонамиз 86 нафар касаначи билан меҳнат шартномаси тузган, — дейди «Қувасой цемент» акциядорлик жамияти қошидаги касаначилар билан ишлаш цехи устаси Зулфияхон Қодирова. — Уларнинг иш фаолиятидан миннатдормиз. Биз зарур хомашёни вақтида етказиб беряпмиз. Касаначилар ишчи қўлқоплари, махсус кийимлар, лаборатория, ошхона, соғломлаштириш маркази учун зарур буюмлар тайёрлашаётир. Бу ҳамкорлик икки томонлама манфаат келтирмоқда.

Касаначилар корхона маъмурияти томонидан ижтимоий ҳимояга олинган. Улар бепул тиббий хизмат, моддий ёрдам, меҳнат таътили, озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланмоқда. Уларга меҳнат дафтарчалари юритиляпти.

— Маҳалламизда касаначилик билан шуғулланаётган аёллар кўпчиликни ташкил қилади, — дейди «Мўян» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Азизахон Умарова. — Жорий йилнинг ўзида 14 нафар аёл шиша, цемент, шифер ва бошқа ишлаб чиқариш цехлари билан шартнома имзолади. Касаначилик асосида фаолият бошлаган айрим фуқаролар тадбиркорлик йўналишларида ҳам ўзларини синашмоқда. Замирахон Турғунова ана шундайлардан. Дастлаб касаначилик асосида иш бошлаган чевар, 2 миллион сўм имтиёзли банк кредити олиб уй шароитида кўрпа-тўшак, ёстиқ тайёрлашни йўлга қўйди. Айни кунда бу ишларга 10 нафарга яқин маҳалла аёли жалб этилган. Ҳудудимиздаги хотин-қизларнинг барчаси меҳнат билан машғул. Бу эса маҳалламиз ободлиги, оилалар фаровонлигини таъминлашга ҳисса қўшаётир.

Эътиборлиси, Қувасой шаҳрида аёллар бандлигини таъминлашда ўзига хос тажриба тўпланган. Ўтган йили 105 нафардан зиёд касаначи учун иш ўринлари яратилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич янада ортади. Касаначилар меҳнатидан фойдаланиш истагидаги ишлаб чиқариш корхоналари сони кўпаяётгани ушбу меҳнат турининг самарадорлигидан далолатдир.

Расул КАМОЛ
«Mahalla»

КЎРГАЗМА

# Имтиёзли кредитлар ажратилди

*Сирдарё вилоятида жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси ва унинг жойлардаги марказлари томонидан касб-ҳунар коллежлари битирувчилари учун беш маротаба бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди.*

Мазкур ярмаркаларда 1533 нафар йигит-қиз ўзларига маъқул касб ва ҳунар соҳиби бўлишди.

Ўтказилган сўровномалар натижасида 679 нафар битирувчи тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирган. Улар билан банк ва коллеж ҳамкорлиги шартномалари тузилди. 2013 йил давомида тижорат банклари томонидан ёш тадбиркорларга 2 миллиард 200 миллион сўмлик имтиёзли кредит ажратилиши режалаштирилган.

Сирдарё тумани «Ширин» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида фаолият юритувчи «Соҳил-Соҳибкор-Барака» МЧЖга қарашли «Болалар дисней истироҳат боғи» ишга тушди. Бу ерда 15 нафар битирувчи 3 томонлама шартномалар асосида ишга қабул қилинди.

Нилуфар ЮНУСОВА
«Mahalla»

ЙИҒИН КЎМАГИДА

# ИБРАТЛИ ТАЖРИБАЛАР ОММАЛАШМОҚДА

**Учқўрғон туманида 8 та қишлоқ, 66 та маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд. Вилоят ҳокимининг ташаббуси билан ўтган йилдан ҳар бир маҳаллада ички имкониятлар ҳисобига қўшимча 10 та замонавий шарт-шароит ва қиёфага эга хизмат кўрсатиш ва сервис шохобчасини ташкил этишга киришганмиз.**

Бу йўналишда 333 та шохобча қуриш ишлари бошлаб юборилди. Ҳозирга қадар унинг 143 таси фойдаланишга топширилди. Бунинг натижасида 671 та янги иш ўрни яратилди, вақтинча ишсиз юрганлар, жумладан, 156 нафар касб-ҳунар коллежларини битирган йигит-қиз ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлашди.

Учқўрғон шаҳарчасидаги Улуғбек номидаги маҳаллада тадбиркор Б.Тожибоевнинг кўп тармоқли хусусий корхонасида сартарошхона, ошхона, шифохона, дорихона, тикув цехи ва бошқа хизмат кўрсатиш шохобчалари очилиши 30 та янги иш ўрни ташкил этиш имконини берди. «Кўприкбоши» маҳалласидаги 11 та шохобчада 35 нафар йигит-қиз иш билан таъминланди.

Маҳаллаларда тадбиркорларни жалб этган ҳолда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш орқали хотин-қизлар ва коллеж битирувчиларини ишга жалб этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, «Фарғона» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида тадбиркор Х.Тожибоев минерал сув ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Кристалл» масъулияти чекланган жамиятини ишга тушириши натижасида 30 нафар киши доимий иш ўрнига эга бўлди. «Ёрқин ҳаёт» маҳалласида эса А.Тўраеванинг ташаббуси билан қандолат цехи ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси фаолият бошлади.

Қувонарлиси, бу каби яратувчанлик, бунёдкорликлар туман марказидан тортиб, энг чекка маҳаллаларгача давом этмоқда. Айниқса, Қўғай-Ўлмас, Қайқи, Яшиқобод, Янгиер каби қишлоқларда бу борада ибратли тажрибалар тўпланган. Таъкидлаш жоизки, маҳаллалардаги ўзгаришлар кишиларни ҳам руҳлантиряпти. Ички имкониятларини ишга солиб, оилавий бизнесни йўлга қўйиш орқали оила аъзолари бандлигини таъминлаётганлар сони ортмоқда.

Қўғай-Ўлмас қишлоқ фуқаролар йиғинидаги «Ёрқинбойчек» маҳалласидан Ҳ.Турсунов жўжа очиришни йўлга қўйиб, аҳолини арзон парранда билан таъминляпти. Тадбиркор А.Мадаминов эса Наманган шаҳридаги «Мехмаш» ҳиссадорлик жамиятида тайёрланган инкубатордан сотиб олиб, паррандачиликни йўлга қўйди.

Туманимиздаги касб-ҳунар коллежларининг битирувчи ўғил-қизлари учун жорий йилдаги режага мувофиқ 2139 та уч томонлама шартнома тузилиши лозим эди. Ҳозирги кунга қадар 2069 та ана шундай ҳуқуқий ҳужжат имзоланиб, режа 97 фоизга уддаланди. Бу масалада давлат ва жамоат ташкилотлари билан бир қаторда фуқаролар йиғинлари мутасаддилари ҳам масъулиятни ҳис этган ҳолда иш олиб боришаётир. Чунки аҳолининг тўкин ва фаровон яшаши, шукроналик, миннатдорлик ҳиссини туйиши, биринчи навбатда уларнинг бандлигига боғлиқ. Айни пайтда яна 170 та шохобчанинг архитектура ечими ҳал этилган, қурилиш ишлари бошланиш арафасида. Мақсад эзгу, режалар бисёр. Уларни амалга ошириш учун эса имконият ҳам, шароит ҳам етарли.


ЎзА сурати.

**Абдуллажон ҚОДИРОВ,**
**«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Учқўрғон тумани бўлинмаси раиси.**

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

# ҲУҚУҚИЙ АМАЛИЁТ ДЕМОКРАТИК ТАМОЙИЛЛАРГА АСОСЛАНГАН

< [1]

Акмал САИДОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, қўмита раиси:

— Муҳтарам Президентимиз Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида фуқароларнинг ахборотга бўлган конституциявий ҳуқуқини амалга ошириш ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг масъулиятини кучайтиришга қаратилган қонунчилик ҳужжати сифатида «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонунни қабул қилиш зарурлигини қайд этди.

Қонун фуқароларнинг ахборот соҳасидаги эркинликлари ва ҳуқуқларини таъминлашга йўналтирилган демократик ҳуқуқий жамият қуриш концепциясининг муҳим элементларидан биридир. У давлат ҳокимияти бошқаруви органлари фаолияти тўғрисида жамоатчиликни хабардор қилишнинг ҳуқуқий тартиб-қоидалари ва механизмларини аниқ белгилашга, аҳоли, жамоат бирлашмалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари давлат органлари томонидан қабул қилинаётган ахборот, инчунин, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахлдор ахборотдан кенг фойдаланилишини таъминлашга қаратилган.

Шуниси аҳамиятлики, қонун лойиҳаси миллий ва хорижий экспертлар иштирокида кенг муҳокама қилинди.

Мамлакатимизнинг барча минтақаларида ўтказилган семинар ва давра суҳбатлари, халқаро конференция ва халқаро давра суҳбатлари якунлари бўйича қонунни такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялар умумлаштирилди. Қонун лойиҳасини тайёрлашда Австрия, Буюк Британия, Франция ва Германия сингари ривожланган демократик давлатларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ахборот очиқлигини таъминлаш тажрибаси ўрганиб чиқилди. Шунингдек, оммавий ахборот воситалари эркинлиги масалалари бўйича ЕХҲТ Вакили Бюросидан, Нотижорат ҳуқуқи халқаро Марказидан (АҚШ) олинган тавсиялар ҳам инобатга олинди.

Энг муҳим жиҳати бу — давлатимиз раҳбарининг фармойиши билан Бухоро ва Самарқанд вилоятлари давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти учун алоҳида ҳуқуқий тартиб амалга киритилди. Бу уларнинг фаолияти тўғрисида ахборот олишда фуқароларнинг ҳуқуқларини жиддий равишда кенгайтиради. Жумладан, ахборот сўровлари ва талабларини кўриб чиқиш, уларга тегишли жавоблар тайёрлаш муддатларига оид меъёрлар мустаҳкамланади.



Адҳам ШОДМОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, қўмита раисининг ўринбосари:

— Ҳуқуқий эксперимент ўтказиш давлат органлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлашга, оммавий ахборот воситалари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари улар фаолиятидан кенг хабардор бўлишига йўналтирилган қонун лойиҳаси нормаларини такомиллаштириш бўйича асосли таклифларни ишлаб чиқишга қаратилган.

Қолаверса, бу жараёнда экспериментал ҳуқуқий нормаларнинг самарадорлиги, фойдалилиги, тежамлилиги текширилади. Мақбул вариантларнинг пухта ишланиши учун чекланган ҳудуд ва вақт кўламида қонун лойиҳаси нормалари апробациядан ўтказилади.

Таъкидлаш жоизки, ҳуқуқий экспериментдан фойдаланиш қонун ижодкорлиги фаолиятининг демократик усулларидан биридир. Халқаро амалиётда кенг фойдаланиладиган бу усулни қўллаш жамият ва давлат қурилишининг реал юридик амалиёти билан бевосита боғлиқ, илмий асосланган қонун ҳужжатлари лойиҳалари ҳуқуқий нормаларининг ҳаётийлиги ва самарадорлиги бўйича тавсиялар олиш имконини беради. Президент фармойиши бир томондан, ушбу қонун лойиҳасини такомиллаштиришга янги имкониятлар эшигини очса, иккинчи томондан, қонун ижодкорлиги фаолиятига янги, истиқболли, демократик тамойилларга асосланган экспериментал усулни кенг жорий этишга омил бўлади.

Маълумки, ахборот соҳасининг нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари ҳуқуқий эксперимент давомида қонун лойиҳасида оммавий ахборот воситалари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотдан фойдаланишини таъминлашнинг тегишли механизмлари ишлаб чиқилишидан ва кейинчалик қонун лойиҳасида кенг акс эттирилишидан манфаатдор. Бу, шубҳасиз, давлат органлари раҳбарлари томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг сифати учун уларнинг масъулиятини оширади.



Алия ЮНУСОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, қўмита аъзоси:

— Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисидаги маълумотлардан эркин фойдаланишни таъминлаш, шунингдек, амалга оширилаётган ҳуқуқий экспериментнинг ҳуқуқий механизмларини амалга ошириш тегишли технологик инфратузилма мавжуд бўлишини талаб этади. Бу жараёнлар мамлакатимиз Президентининг ташаббуслари билан ишлаб чиқилаётган «электрон ҳукумат» концепциясининг таркибий қисмларидан бири ҳисобланади.

Фуқароларнинг давлат органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотдан эркин фойдаланиш билан боғлиқ конституциявий ҳуқуқини амалга ошириш мураккаб ва кўп қиррали жараён. Ҳуқуқий эксперимент давомида ижтимоий муносабатларнинг бевосита ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинадиган қисмигина эмас, балки журналистларнинг касб одоб-ахлоқи кодексларига ва ўзаро ишонч тамойилларига асосланган муносабатлар ҳам апробациядан ўтказилади.

Яна бир муҳим жиҳати, ҳуқуқий эксперимент давомида ахборотдан фойдаланувчиларнинг ахборот очиқлигини таъминлаш бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказиш субъектлари фаолияти самарадорлигини баҳолаши юзасидан, шу жумладан, хорижий мутахассислар ва экспертлар иштирокидаги социологик тадқиқотлар, конференциялар, давра суҳбатлари ва семинарлар ўтказилади. Унда қонун лойиҳаси нормаларини такомиллаштириш таклифлари ҳам тайёрланади.

Отабек АБДУҒАНИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, қўмита аъзоси:

— Ҳуқуқий эксперимент вазифаларини самарали амалга ошириш мақсадида ихтисослаштирилган интернет-сайт яратилади. Унда ҳар бир киши эксперимент амалга оширилишининг бориши билан танишиш, қонун лойиҳаси нормаларини муҳокама қилишда қатнашиш имкониятига эга. Оммавий ахборот воситалари вакиллари эса ҳуқуқий эксперимент субъектлари фаолияти тўғрисидаги ахборот материалларини жўнатишнинг автоматик режимида олишлари мумкин.



Мазкур жараёнда ОАВнинг эркин ва самарали иштироки ҳақида тўхталганда, аввало, давлатимиз раҳбарининг ушбу ғояни илгари сура туриб, бу қонун «фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқини янада кенгроқ амалга ошириш имкониятини яратиб бериш билан бирга, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қабул қилинаётган қарорлар сифатини ошириш борасидаги масъулиятини ҳам кўп жиҳатдан кучайтириши»га алоҳида урғу берганини эътироф этиш жоиз.

Экспериментнинг бориши давомида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисида ахборот олишда жисмоний ва юридик шахслар учун янги имкониятлар яратилади. Булар нималарда акс этади, деган ҳақли савол туғилади. Жумладан, ўтказиладиган экспериментнинг самарадорлиги ва эскперимент ўтказиш субъектлари ўзининг ахборот очиқлигини таъминлаш бўйича фаолияти юзасидан ахборотдан фойдаланувчиларнинг баҳоларини олишга доир социологик тадқиқотлар олиб бориш имкони юзага келади. Шунингдек, очиқликни таъминлашда қонун лойиҳаси нормаларини муҳокама қилиш бўйича кенг жамоатчилик оммаси, хусусан, журналистлар учун конференциялар, брифинглар, матбуот анжуманлари ташкил этилади.

Ҳуқуқий тажриба давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятини, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг очиқ-ошкоралигини таъминлашга хизмат қилар экан, албатта, бу фуқаролик жамияти институтлари, шу жумладан, оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада кенгайтириш имконини беради. Бир сўз билан айтганда, ҳуқуқий эксперимент ўтказиш якунлари, барча натижалар пухта таҳлил қилинади. Улар асосида қонун лойиҳаси матнини яратишда ҳисобга олинадиган аниқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилади.



Камола ҲАМИДОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, қўмита аъзоси:

— Мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш давомида халқаро стандартларга жавоб берадиган қонунчилик базаси яратилган ва у Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган сўз эркинлиги ҳамда фуқароларнинг ахборот олиш ҳуқуқини кафолатлайди. Зотан, демократик жараёнларни чуқурлаштириш, аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги амалий иштирокини кучайтиришга ахборот эркинлигини таъминламасдан эришиб бўлмайди. Ахборот соҳасини демократия асосида ривожлантириш Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Янги қонунда жамоатчиликни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти ҳақида хабардор қилиш процедураси белгиланган, аҳоли, жамоат бирлашмаларининг улар томонидан қабул қилинаётган қарорлар, аввало, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинлиги ҳамда қонуний манфаатларига таaллуқли қарорлари тўғрисидаги ахборотдан янада кенг фойдаланишини таъминлаш кўзда тутилган. Ушбу ҳужжатнинг ҳаётга татбиқ этилиши ижро ҳокимияти органларининг бу қарорлар сифати учун жавобгарлигини оширишга, жамиятимизда фикрлар хилма-хиллигини, сўз ва сайлов эркинлигини кенгайтиришга хизмат қилади.

Ноёб тажриба ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳасида амалга оширилаётган демократик туб ўзгаришларнинг мантиқий давомидир. У қонун лойиҳаси нормаларини янада такомиллаштириш, демократик принципларга асосланган янги ҳуқуқий ҳужжатларни синовдан ўтказиш услубини қонун ижодкорлиги фаолиятига кенг жорий этиш учун қўшимча имкониятлар очиб беради. Шуниси эътиборлики, мазкур услуб сўз ва ахборот эркинлиги, давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш соҳасида илк бор қўлланилмоқда. Бу, шубҳасиз, фуқароларнинг ахборот олиш бўйича конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқаришни кенгайтиришга хизмат қилади.



Арслон ЭШМУРОДОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, қўмита аъзоси:

— Жамиятимизда ободлик, осойишталик, барқарорликни таъминлаш, халқимиз фаровонлигини юксалтириш, бир сўз билан айтганда, инсон манфаатлари олий қадрият сифатида эъзозланишига қаратилган демократик ислоҳотлар тобора такомиллашиб боряпти. Хусусан, давлатимиз раҳбари фармойиши асосида «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасининг нормаларини ҳуқуқий тажрибадан ўтказиш демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, кучли фуқаролик жамиятини барпо этишдаги ислоҳотлар жараёнида яна бир муҳим қадам бўлди.

Ҳуқуқ амалиётига жорий этилаётган мазкур янги услуб Ўзбекистонда қонун ижодкорлиги назарияси ва амалиётини тизимли такомиллаштиришнинг навбатдаги босқичи, мамлакатимизда ижтимоий ҳаётни демократлаштириш жараёнлари мукаммаллигининг муҳим сифат кўрсаткичидир.

Давлатимиз раҳбари фармойиши билан тасдиқланган ҳуқуқий тажрибани ўтказиш тартибига мувофиқ, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ўз фаолияти очиқлигини таъминлаш бўйича мажбуриятлари қатъий белгиланган. Масалан, жисмоний ва юридик шахсларнинг расмий талаби у рўйхатга олинган кундан бошлаб ўн беш кундан ошмайдиган муддатда, оммавий ахборот воситаларининг тажриба субъектлари фаолияти, унинг мансабдор шахслари билан интервью ташкил қилиш тўғрисидаги талаби эса етти кундан ошмайдиган муддатда кўриб чиқилиши шарт. Бунда ахборот олиш талаблари ёзма, жумладан, электрон ҳамда оғзаки шаклда бўлиши ва бевосита ахборот олишдан манфаатдор шахсларнинг ваколатли вакиллари орқали юборилиши ҳам мумкин. Буларнинг барчаси фуқароларнинг ахборот олиш ҳуқуқларини янада кенгайтиради.



Барчиной МАШАРИПОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, қўмита аъзоси:

—Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси доирасида ишлаб чиқилган мазкур қонун лойиҳаси жамоатчиликни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти ҳақида хабардор қилиш процедурасини ўзида акс эттиргани, аҳоли, жамоат бирлашмаларининг улар томонидан, аввало, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларига доир қабул қилинаётган қарорлар тўғрисидаги ахборотдан янада кенг фойдаланишини таъминлашга қаратилгани билан эътиборлидир. Унинг ҳаётга татбиқ этилиши ижро ҳокимияти органларининг қабул қилинаётган қарорлар сифати учун жавобгарлигини оширишга, жамиятимизда фикрлар хилма-хиллиги, сўз ва сайлов эркинлигини кенгайтиришга хизмат қилади.

Эътиборли жиҳати шундаки, ҳуқуқий эксперимент фуқаролик жамиятини ривожлантириш, уларнинг ислоҳотлар жараёнидаги иштирокини кенгайтириш ва фаоллигини оширишда муҳим омил бўлади.

Таъкидлаш жоизки, тажрибадан ўтаётган қонун лойиҳаси муҳим ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий муаммолар ечимини топиш жараёнида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятидан фуқаролар хабардорлигини ошириш ва демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштиришда оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари, жумладан маҳаллалар, уларда истиқомат қилаётган аҳолининг ўрни ҳамда ролини мустаҳкамлайди. Негаки, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда маҳалланинг роли ҳам бениҳоя катта. Шу боис қонун лойиҳаси амалиётида маҳалла институтининг фуқаролик жамиятини барпо этишдаги иштироки янада самарали бўлаётир. Қонун лойиҳаси ва унинг амалда қўлланишига бағишланган очиқ мулоқотлар эса, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишга хизмат қилади.

*Айни пайтда ҳуқуқий тажрибани ўтказиш ишлари давом этаётир. Яъни, тажрибанинг ташкилий-ҳуқуқий базаси тайёрланиб, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қонун лойиҳаси нормаларида белгиланган очиқлик тартибида фаолият кўрсатишига доир регламентлари такомиллаштириляпти.*

*Ҳақиқатан ҳам, мамлакатимизда олиб борилаётган демократик ислоҳотларнинг бу каби мантиқий давоми ҳуқуқий механизмларни ривожлантириш, замонавий ахборот маконига эга бўлиш, самарали жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш орқали кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда салмоқли аҳамият касб этиши шубҳасиз.*

Давра суҳбатини Ю.ҲОЖИЕВА ёзиб олди.

ЭКОЛОГИК НАЗОРАТ

# АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

**Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис палаталари қўшма йиғилишидаги «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да белгилаб берилган устувор вазифалар миллий қонунчилигимиз тараққиётида бекиёс ўзгаришларга сабаб бўлди.**

Чунончи, фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, шу жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг атроф-муҳит муҳофазасини таъминлашдаги ўрнини аниқ белгилашга йўналтирилган «Экологик назорат тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиши ҳам ана шу демократик янгиланишлар натижасидир.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси ҳамда Экоҳаракат депутатлари гуруҳи билан ҳамкорликда «Экологик назоратнинг фуқаролик жамиятидаги ўрни ва роли» мавзусидаги давра суҳбати ушбу қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланди.

Қонунчилик палатаси депутатлари, сиёсий партиялар фракциялари аъзолари, экология ва тиббиёт йўналишидаги нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган тадбирда таъкидланганидек, мазкур қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёнида Германия, Франция, Буюк Британия, АҚШ, Россия, Польша, Венгрия, Словакия, Чехия, Марказий ва Шарқий Европа, Осиёнинг қатор ривожланган давлатларининг табиатни муҳофаза қилишдаги муносабатлари, ушбу соҳада жамоатчилик иштирокини қонуний тартибга солиш тажрибаси ўрганилди.

— «Экологик назорат тўғрисида»ги қонун экологик назоратни, атроф-муҳитни ва аҳоли саломатлигини ҳимоялашда мамлакатнинг барча ҳудудларидаги ҳолатнинг мониторингини амалга оширишда муҳим қадамдир, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Садиржон Жакбаров. — Қолаверса, ушбу қонун жамоатчиликнинг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаоллигини янада оширишга, экологик назорат тизимини такомиллаштириш ва назорат фаолиятини мувофиқлаштиришга, бу соҳада экологик нодавлат нотижорат ташкилотлари, идоравий, ишлаб чиқариш ва жамоат экологик назорати хизматларининг ваколатлари чегараларини белгилашга хизмат қилади. Ушбу ташкилотларнинг ўз вазифаларини бажариш тартибини, экологик назоратни таъминлаш бўйича талабларни ўрнатиш, бу борадаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарликни белгилашга қаратилган ҳаракатлар ҳам шулар жумласидандир.

«Экологик назорат тўғрисида»ги қонуннинг норма ва талабларини рўёбга чиқариш самарадорлиги фуқаролик жамияти институтларини шакллантиришга, жамоат ташкилотларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг атроф-муҳит муҳофазасидаги ва экологик муаммоларни ҳал этишдаги иштирокига бевосита боғлиқдир.

Бундан ташқари, қонун орқали фуқаролар соғлиғини муҳофазалаш, она-табиатга ва инсонлар саломатлигига трансчегаравий салбий таъсир етишидан огоҳлантириш ва бартараф этиш орқали миллий манфаатлар ҳимоясини таъминлаш, мамлакатнинг экологик қонунчилигини халқаро ҳуқуқ принциплари ва нормаларига уйғунлаштиришга йўналтирилган экологик назорат соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси экологик сиёсатининг мазмуни ва асосий йўналишларини аниқлаш ҳам кўзда тутилаётир.

Билдирилган аниқ таклиф ва мулоҳазалар қонунни иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида ишчи гуруҳ томонидан ўрганилиб инобатга олиниши таъкидланди. Анжуман якунида қўмита, Экоҳаракат депутатлар гуруҳи ҳамда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳамкорлигида ушбу қонун лойиҳасини такомиллаштириш ҳамда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг атроф-муҳитни муҳофазалаш тизимида ва экологик муаммоларни ҳал этишда иштироки масалаларига бағишланган илмий-амалий конференция ўтказишга келишиб олинди.

Юлдуз ҲОЖИЕВА
«Mahalla»

ТАРҒИБОТ

# ҚОНУННИ БИЛГАН САЙЛОВДА СИНАЛАДИ

**Айни пайтда Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ҳамда «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонунларининг мазмун-моҳияти аҳолига кенг тушунтирилаётир.**

Тошкент вилояти Бўка туманидаги «Янгиобод» маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари аҳоли ўртасида қонунлар мазмунини тушунтиришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

— Маҳалламизда уч мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади, — дейди йиғин раиси Рустам Мирсаидов. — Тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда қонун ҳужжатлари моҳияти аҳоли онгу шуурига сингдирилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида концепция тарғиботи бўйича маҳаллада ўндан зиёд учрашувлар ташкил қилинди. Тажрибали мутахассислар, ҳуқуқшунослар жалб этилиб, қонунлар моҳияти фуқароларга содда ва тушунарли тарзда етказилаётгани тадбирлар таъсирчанлигини ошираётир.

Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш — давр талабидир. Жорий йилнинг шу давригача янги таҳрирдаги қонунлар тарғиботи бўйича 6 марта учрашув уюштирилди. Уларда аҳоли, айниқса, ёшлар жалб этилиб, Халқ депутатлари туман кенгашига сайланган депутатлар, ҳуқуқшунослар, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди мутасаддилари иштирокида қонунга киритилган ўзгартишлар бўйича маълумотлар берилди.

Бундай ҳуқуқий тарғибот ишлари жорий йилда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бўлиб ўтадиган сайлов жараёнларининг қонун доирасида, белгиланган тамойиллар асосида ўтишига имконият яратади.

Иброҳим БЕК
«Mahalla»

СИЗДА ҚАНДАЙ ТАЖРИБА БОР?

# ЗАЛВОРЛИ ВАЗИФАЛАР МАСЪУЛИЯТНИ ОШИРАДИ



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

< [1]

Зиммамдаги залворли вазифани тўғри англаб етганим боис фаолиятимнинг дастлабки кунлариданоқ «Ҳаёт учун далиллар», деб номланган дафтар юритдим. Унда ҳудуддаги ҳар бир оила ва барча фуқаролар ҳақида батафсил маълумотлар, тавсиф ва тавсифномалар ёзилган. Шунингдек, хотин-қизлар масалалари, қўни-қўшнилар, қариндошлар ва нотинч ҳамда эҳтиёжманд оилалар муаммолари ҳам қайд этиб борилган. Айниқса, вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича олиб борган ишларимиз ўзининг самарасини берди. Бу борада яхши тажриба тўпладик, десам мақтаниш, нокамтарлик бўлмас.

Яқин йиллар оралиғида маҳалламизда яшовчи вояга етмаганлар ва ёшлар орасида бирорта ҳам жиноят содир этилгани йўқ. Чунки маҳалламиз раиси бошчилигида ҳудуд профилактика инспектори, «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси сардори, ҳудуддаги таълим муассасалари ҳамда қишлоқ врачлик пункти раҳбарлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг бошланғич ташкилоти етакчиси, шунингдек, ташкилотчилик қобилиятига эга бошқа маҳалладошларимиз билан ҳудудда вояга етмаганларга алоҳида эътибор қаратиб келамиз.

Бунга бир неча мисолларни келтиришим мумкин. Яндигина ўрта мактабни битказиб, Оқдарбанд қишлоқ хўжалик коллежида ўқишини давом эттираётган қизни ота-онаси бир қариндошининг ўғлига узатаётгани маълум бўлди. Тўй кунини ҳам маҳалла-кўйдан сўрамасдан ўзларича белгилашибди. Дарҳол фаоллар билан ишга киришдик. Бу ишда йиғин қошидаги Вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссия раиси Рустам Отажонов ташаббус кўрсатди. Бугун Гулчеҳра коллеждаги ўқишини, касб-ҳунар ўрганишни давом эттирмоқда.

Маҳалладошимиз И.Сафарматов ўғлини мактабга юбормай қўйди. Бунинг сабабини ўрганганим хонадонига борсак, у: «Бозорда атторлик қилаётган танишимдан савдо-сотиқни ўрганяпти», деди. Маҳалла фаоллари билан отанинг ўзига иш топиб бериб, ўқувчининг дарсларга қатнашишини назоратга олдик.

Яна бир мисол. Учта оила фарзандлари коллежни тугатиши билан узоқ юртларга ишга отланишди. Бунинг ҳам олдини олдик. Ёшларга шу ернинг ўзида коллежда эгаллаган мутахассисликлари бўйича иш топиб бердик. Бундан уларнинг ўзлари ҳам, ота-оналари ҳам қувонишди.

Ёшларнинг бандлигини таъминлашимизда тадбиркорлар таянчимиз бўлмоқда. Комилжон Оллоназаров мебель ишлаб чиқарадиган устахона очди. Ёқуббой Собиров компьютер хизмати турларини йўлга қўйди. Василахон Жуманиёзова, Насибахон Матёқубова Самарқандда зардўзлик санъатини пухта ўзлаштириб қайтди. Бугунги кунда йигирма тўққиз нафар ана шундай тадбиркоримиз қизларга, келинларга тикувчилик, тўқувчилик, зардўзлик ҳунарларини ўргатишмоқда. «Оила-маҳалла-таълим муассасаси» ҳамкорлиги асосида ўтган йили 23 нафар ёш иш жойларига эга бўлди. Бу йил эса уч томонлама тузилган шартнома бўйича 29 нафар коллеж битирувчиси ўзлари эгаллашган касб-ҳунар бўйича иш билан таъминланди.

Шу йил «Фуқаролар йиғинининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси» танловининг республика босқичида «Вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини фаол тарғибот этганлиги учун» номинация бўйича тақдирландим. Камтарона меҳнатимга берилган бу юксак баҳо келгусидаги ишларимда менга куч-қувват бағишлайди.

**Ўғилжон АБДУЛЛАЕВА,**
**Қўшкўпир туманидаги «Ўртаёп» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси.**

ТИББИЙ МАДАНИЯТ

# Соғлом оила — тараққиёт пойдевори

*Мамлакатимизда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, жисмонан соғлом ва маънан етук ёш авлодни тарбиялаш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.*

«Соғлом авлод учун» халқаро жамғармаси «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш мақсадида жойларда «Соғлом она — соғлом бола» шиори остида қатор тадбирларни ўтказмоқда.

Жумладан, жамғарманинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги тиббий-ижтимоий патронаж бригадалари шифокорлари соғлиқни сақлаш бошқармалари мутахассислари билан ҳамкорликда республикамиз қишлоқ ва маҳаллаларида бўлишиб, оилаларни чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказишди.

2013 йилнинг шу давригача Республика тиббий-ижтимоий патронаж кўчма бригадалари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг 596 та қишлоқ ва 1515 та маҳаллаларидаги 26 643 та оиланинг ижтимоий шароити, ундаги психологик муҳит ва болалар саломатлиги ўрганилди.

Кам таъминланган оилалар ва ногиронларни тиббий-ижтимоий ҳимоя қилиш ва уларга инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш мақсадида жамғарма томонидан 87893 қути, 295003 дона дори-дармонлар ва 50747 дона санитария ва гигиена воситалари ҳамда 8144 дона кийим-кечаклар, 384 кг. озиқ-овқат, 6 дона ногиронлик аравачаси хайрия ёрдами сифатида тарқатилди. Жами кўрсатилган хайрия ёрдами умумий ҳисобда 42438,4 минг сўмни ташкил қилди.

Яқинда жамғарма томонидан «Соғлом оила — тараққиёт пойдевори» шиори остида Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани «Жар-ариқ» маҳалласи аҳли тиббий кўрикдан ўтказилди. «Соғлом авлод учун» жамғармаси Тиббий ижтимоий маркази шифокорлари томонидан амалга оширилган мазкур кўрикда аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш мавзусида тушунтириш ишлари ҳам олиб борилди. Тиббий кўрикдан ўтганларнинг асосий қисмини ўсмирлар ва фертиль ёшидаги аёллар ташкил этди.

Дарҳақиқат, аҳоли ўртасида ўтказилаётган бу каби тадбирлар турли касалликларнинг олдини олиш ҳамда тиббий маданиятни юксалтиришга хизмат қилади.

Нилуфар ЮНУСОВА
«Mahalla»

ТАШАББУС

# Ҳам услубий, ҳам моддий кўмак

*Бугун фуқаролар йиғинлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратиляпти.*

Айни пайтда Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳри, Қамаши ва Ғузор туманларида 5 та намунавий маҳалла гузарлари қурилаётир. Вилоят ҳокимлигида корхона ва ташкилот, муассасалар раҳбарлари ҳамда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман ва шаҳар бўлинмалари раислари иштирокида ўтказилган йиғилишда фуқаролар йиғинлари фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг маҳаллада ҳамжиҳатликни таъминлаш ва эзгу мақсадларни амалга оширишлари учун шарт-шароит яратиб бериш масаласи алоҳида муҳокама этилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунининг мазмун-моҳияти хусусида сўз юритилди. «Обод турмуш йили» Давлат дастурига кўра, 100 та фуқаролар йиғинига компьютер жамланмалари топширилди.

— Маҳалламизда икки мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади, — дейди Нишон туманидаги Мирзо Улуғбек номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси Шарофат Сафарова. — Уларнинг тинч, фаровон ҳаёт кечиришлари учун фуқаролар йиғини қошидаги комиссиялар фаолиятини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратганмиз. Фуқаролар йиғини милиция таянч пункти билан битта бинода фаолият юритади. Ҳамкорликда иш олиб бораётганимиз самарали натижалар беряпти. Биномиз мебель жиҳозлари билан таъминланган. Компьютернинг йўқлиги ишимизни ортга сурарди. Бугун ана шундай замонавий қурилмага ҳам эгамиз. Демак, ишларимиз янада енгиллашади.

Эндиликда вилоятдаги 101 та фуқаролар йиғини мебель жиҳозлари билан таъминланади.

Санобар БОЙМУРОДОВА
«Mahalla»

КОМИССИЯЛАР ФАОЛИЯТИДАН

# МАЪРИФАТ ИНСОННИ УЛУҒЛАЙДИ

**Эртанги кун эгаларининг маънавий оламига бепарво қараш, унга таъсир этаётган кучларга аҳамият бермаслик жамият келажагига лоқайдлик демакдир. Маънавиятни тарғиб қилиш замон ва замин танламайди.**



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

Ёшлар маънавиятини бойитишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги Маърифат ва маънавият масалалари бўйича комиссиялар фаолияти алоҳида аҳамиятга эга. Улар маҳалладаги маънавий муҳитни барқарорлаштириш, оилалардаги тинч-тотувлик, қариндош ва қўни-қўшнилар орасида илиқ муносабатларни шакллантиришда жонбозлик кўрсатиб келишаётир. Хусусан, пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги «Ҳувайдо» маҳалла фуқаролар йиғинида бу борада диққатга сазовор ишлар олиб борилмоқда.

— Ўсмирларни мафкуравий таҳдидлардан асраб-авайлаш, уларни эзгу ишларга йўналтириб бориш кундалик вазифамизга айланган, — дейди мазкур йиғин раиси Фотиҳ Асқаров. — Зеро, ёшларнинг маънавий дунёқарашини бойитиш ҳар қандай таҳдиднинг олдини олади. Маҳалламизда Маърифат ва маънавият масалалари бўйича комиссия аъзолари ҳамда уларга кўмаклашаётган ҳудудимиздаги таълим муассасалари директорининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосарлари, ўқитувчилари биргаликда «Биз гиёҳвандликка қаршимиз», «Ўз уйингни ўзинг асра», «Камолот» ва биз», «Энг намунали хонадон», «Озодалик тарафдоримиз», «Оилам — фахрим» каби мавзуларда давра суҳбатлари ўтказилмоқда. Бундай тадбирларда, айниқса, ёшлар фаол иштирок этишади.

Донишмандлардан бири дейди: «Икки кишида биттадан олма бўлиб, улар алмашсалар — ҳар бирларида биттадан олма қолади. Аммо икки кишида биттадан ғоя бўлиб, улар алмашганида — иккита ғоя пайдо бўлади». Шундай экан, ҳар биримиз атрофимиздаги инсонларга ибрат бўлсак, ўз-ўзидан маънавият тарғиботчисига айланамиз.

— Маҳалламизда халқимизнинг минг йиллик анъана ва урф-одатларини асраб-авайлаш, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига она-Ватанга муҳаббат, истиқлолга садоқат руҳини сингдириш комиссиянинг муҳим вазифаларидан саналади, — дейди йиғин қошидаги Маърифат ва маънавият масалалари бўйича комиссия раиси Абдуносир Ҳакимов. — Шу боис маҳаллада ўтказилаётган маънавий-маърифий ва маданий тадбирларнинг самарадорлигини ошириб, бу борада бошқа йиғинларнинг ҳам илғор тажрибаларини ўзлаштириб бормоқдамиз. Айниқса, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва Маънавият тарғибот марказии, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлинмалари ҳамкорлигида ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида ишлаб чиқилган дастурлар бизга қўлланма вазифасини ўтаётир.

Бундан ташқари, соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида спортнинг оммавий турлари бўйича тўгараклар, қизларимиз учун тикувчилик, пазандалик курслари, тил ўрганиш истагидаги фарзандларимизга эса инглиз ва рус тилларини ўргатиш бўйича сабоқлар йўлга қўйилган.

Ҳа, ростдан ҳам «Ҳувайдо» маҳалласига ташриф буюрсангиз, чеҳраси очиқ, самимий табассум билан боқиб турган инсонларни кўрасиз. Йўлингизда учраган бола ёнингиздан саломсиз ўтмайди. Қизлари ҳаёли, йигитлари норғул, бақувват. Бундай инсонлар яшаётган маҳаллага ҳар қанча ҳавас қилсангиз арзийди.

Дилдора ҚАРШИБОЕВА.

ЛОЙИҲА ДОИРАСИДА

# «Саломатлик автобуси» йўлга чиқди

*Навоий шаҳрида «Саломатлик автобуси»ни Учқудуқ туманига тантанали кузатиш маросими бўлиб ўтди.*

Мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма икки йиллиги муносабати билан вилоят ҳокимлиги, соғлиқни сақлаш бошқармаси, «Соғлом авлод учун» жамғармасининг вилоят филиали, «Навоий дори-дармон» ОАЖ, Қизил Ярим ой жамиятининг вилоят кенгаши ҳамда «Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми» вилоят жамоатчилик кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган «Саломатлик автобуси» аҳоли соғлиғини мустаҳкамлашга қаратилган лойиҳалардандир.

Лойиҳа доирасида чекка ҳудудлардаги хотин-қизлар ва ёшларни тиббий кўрикдан ўтказиш ҳамда бепул дори-дармонлар билан таъминлаш режалаштирилган. Тиббий кўриклар вилоятимизнинг малакали шифокорлари томонидан амалга оширилмоқда.

Шунингдек, «Саломатлик автобуси» Томди, Конимех, Нурота ва Хатирчи туманларидаги қишлоқ врачлик пунктларида ҳам бўлиб, аҳолига тиббий хизмат кўрсатди.

Холбиби САФАРОВА
«Mahalla»

ТАНЛОВ

# Эътибор ва ишонч ифодаси

*Йигит-қизларнинг ўз иқтидорларини тўла намоён этишига кўмаклашиш ҳамда ўз бизнесларини йўлга қўйишлари учун имтиёзли кредитлар ажратиш мақсадида ташкил этилаётган «Ёш тадбиркор — элга мададкор» танловининг Сирдарё вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда 275 нафар йигит-қиз иштирок этди.*

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши қошидаги ёш тадбиркорлар маслаҳат маркази вилоятнинг етакчи молия муассасалари мутахассислари билан ҳамкорликда ёшларга бизнес режалар тузиш, уни амалиётга татбиқ этиш бўйича тушунчалар беришди.

Танлов якунларига кўра, 12 нафар иштирокчи вилоятдаги банклар талабларидан келиб чиққан ҳолда кредит олиш учун сертификатлар билан тақдирланди. Энг яхши деб топилган 4 нафар иштирокчи — Нодир Ўролов, Достон Оқйигитов, Шаҳноза Маматқулова, Азимжон Холов танловнинг республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини берадиган йўлланмани қўлга киритишди.

Тошпўлат ҲАЙИТБОЕВ
«Mahalla»

ОИЛА ТИЛСИМИ

# ИБРАТ ВА ЎРНАК ТУФАЙЛИ НИЗОЛАР ЧЕКИНАДИ

**— Етар, энди бир қарорга келиб олишимиз керак. Ғалати гапларингиз туфайли салга асабийлашадиган бўлиб қолибман.**

— Ие, нима, бирор ёмонлик қилдимми сенга, урмасам, уришмасам?!

— Йўқ, сиз пичоқсиз сўясиз! Ҳали «Яна нон олиб келиш керак экан», дедингиз-ку. Синглим шу ерда бўлгани учун кесатяпсиз. Бошқа сафар: «Нон олиб келасизми?», деб айтмасам, эсингизга ҳам келмайди-ку!

Эр хотинининг нотўғри фикрини эшитиб, ҳайратдан ёқа ушлади. Турмуш ўртоғининг калта ўйлашидан жаҳли чиқиб турганида, айниқса, унинг: «Онангиз келса, мен харажатларни ҳисобламайман-ку!» деган гапи ошиб тушди.

Эр тарсаки тортиб юборди.

Ҳаммаси шундан кейин бошланди. Аёлнинг ўйламай гапирган, арзимаган нарса ҳақидаги ножўя сўзлари янги тортишувлар, жанжалларни келтириб чиқарди. Уйдан барака кўтарилди. Хотин ҳар гапида эрнинг юриш-туришидан, қариндош-уруғларидан айб қидиришга тушди. Вазият тобора чигаллашди.

Кунларнинг бирида йиғин раисини кўчада учратиб қолган аёл: «Эрим билан бутунлай ажрашиш фикрида эмасману, лекин яшагим ҳам келмаяпти», деб дардини айтди. Раис унинг дарҳол маҳалла идорасига ўтишини тайинлади.

— Бу каби тушунмовчиликлар қайси хонадонда бўлмайди дейсиз. Арзимаган гапга жаҳл қилиб жуфти ҳалолидан ажрашни ўйлаш — сабрсизлик, калтабинликдан бошқа нарса эмас, — дейди Чилонзор туманидаги «Бешёғоч» маҳалла фуқаролар йиғини ҳамда йиғин ҳузуридаги Яраштириш комиссияси раиси Вилоят Худойбердиева. — Шунга ўхшаш муаммолар билан комиссияга мурожаат қилган ёш келинларимизга ҳам бу гапларни айтиб, ҳаётнинг қадр-қиммати нима билан ўлчанишини тушунтирамиз. Юқоридаги воқеа маҳалламизда рўй берган. Ёш оила. Битта фарзанди бор. Келин ва куёвни чақиртириб, тушунтириш ишларини олиб бордик. Суҳбатдан кейиноқ, ёшлар ярашиб кетишди.

Мазкур маҳалла раисининг ҳуқуқшунослик соҳасидаги кўп йиллик тажрибасига суяниб айтган мулоҳазаларига кўра, маҳалла том маънода комиссиялар асосида бошқарилиб, уларнинг фаолияти кучайтирилса, намуна ва ибрат масканига айланади. Айниқса, Яраштириш комиссиясининг самарали иш олиб бориши — оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, обод турмушга эришишининг асосий омили.

«Бешёғоч» маҳалла фуқаролар йиғини 1,3 мингга яқин аҳоли, 500 дан зиёд оилалардан иборат бўлгани учун Яраштириш комиссияси аъзолари 7 кишини ташкил этади. Жорий йилда комиссияга аҳолидан 8 та ариза тушди. Уларнинг аксарияти оилавий жанжаллар, қўни-қўшничилик муносабатлари билан боғлиқ. Шундан 7 таси комиссия йиғилишларида катта ҳаётий тажрибага эга отахон-онахонлар — маҳалла фаоллари Бахтиёр Ниғматуллаев, Тамара Копачёва, Карим Жалилов, Мадина Набиева томонидан ижобий ҳал этилди. Бир келишмовчилик судгача етиб борганига қарамай, айбсизларга чора кўрилишидан асраб қолинди.

Бу каби ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида тумандаги «Наврўз» бахт уйи ҳамда 36-оилавий поликлиника билан доимий ҳамкорлик йўлга қўйилган. Улар Яраштириш комиссиясининг ойлик йиғилишларида иштирок этиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирадилар. Шунингдек, маҳаллада мактаб, касб-ҳунар коллежи ва академик лицей ўқувчилари билан оиланинг барқарорлигини таъминлаш, эрта никоҳнинг олдини олиш, хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, эр-хотиннинг оилани бошқаришдаги вазифалари хусусида тарғибот тадбирлари ўтказиб келинмоқда. Натижада ҳудудда диний экстремизмга мойиллик, вояга етмаганлар ва аёллар ўртасида жиноятчилик ҳолатлари кузатилмади.

Ёшлар тарбиясига эътиборсизлик, уларнинг ичкиликбозлик ҳамда гиёҳвандлик иллатларига берилиши, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши оилалар барбод бўлишининг асосий сабабларидан биридир. Хонадонлардаги тотувлик маҳаллалардаги маънавий муҳит барқарорлигини таъминловчи жиҳатлар экани Яраштириш комиссияси низомида ҳам алоҳида белгилаб қўйилган.

— Шу боис ҳудудимиздаги бир нафар тарбияси оғир болани доим назорат остида тутамиз, — дейди «Бешёғоч» маҳалла фуқаролар йиғини ҳузуридаги Яраштириш комиссияси аъзоси Қумри Абдураззоқова. — Ишонасизми, у бир марта фуқаролар йиғинидаги компьютерни ўғирлади. Яраштириш комиссияси аъзолари келишиб, бу вазиятда билиб билмаганга олишни, уни чақиртириб, тушунтириш ишлари олиб боришни афзал кўрдик. Чунки бу ошкор қилинса, боланинг келажагига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Панд-насиҳатларимиз беиз кетмади: у яхши томонга ўзгарди. Қилган ишидан пушаймон бўлди. Ҳозир кунда, кунора идорага келиб туради.



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

Маҳаллада намунали оилаларнинг ибратли муносабатларини оммалаштириш анъана тусини олган. Комиссия аъзолари маслаҳатга муҳтож ёш оилалар билан биргаликда ҳафтада бир марта ҳудуддаги барча ҳавас қиладиган хонадонларга ташриф буюриб, ҳаётий сабоқ олишмоқда.

«Оила мустаҳкам бўлиши учун турмуш обод бўлиши керак». Бу шиор «Бешёғоч» маҳалла фуқаролар йиғини ҳузуридаги Яраштириш комиссияси аъзоларига тегишли. Бу шиорга барчамиз амал қилсак, ҳаётимиз фаровон ва файзли бўлади, рўзғоримизга барака инади. Қолаверса, жамият олдидаги шарафли бурчимиз — намунали оила барпо этиш, баркамол фарзандларни вояга етказишни ҳам уддалаймиз.

Умида УЗОҚОВА
«Mahalla»

ОДАМ САВДОСИ — ОЛАМ ҒАВҒОСИ

# ҲАР БИР ИНСОН ҲУҚУҚИ ДАХЛСИЗ ВА МУСТАҲКАМ ҲИМОЯДА



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

**«Ҳар бир одам ўз қадр-қиммати ва ҳуқуқларида тенг бўлиб туғиладилар». Бу қоида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1948 йилда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, қатор халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда миллий қонунчилигимизда қатъий белгилаб қўйилган.**

Бироқ шунга қарамай, дунёда одам савдоси тобора авж олмоқда. Минглаб инсонлар эркинлигидан, ўзларини ҳуқуқий ҳимоялаш имкониятидан маҳрум этилиб, қуллик жабрини тортаётир.

Мамлакатимизда бу иллатга қарши курашнинг аниқ чора-тадбирлари белгиланган. Фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини танитиш, бу борадаги маданиятини юксалтиришга қаратилган кенг қамровли тарғибот тадбирлари амалга оширилмоқда. Юртдошларимизнинг ушбу жиноят жабрдийдасига айланиб қолмасликлари учун давлат ва нодавлат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан кўрилаётган чора, огоҳлантиришларга қарамай, афсуски, айримлар билиб-билмай одамфурушлар тўрига илинаётир.

Ф.Эркаева ҳам ана шундайлардан. Оиласи, севимли касб-корини ташлаб хорижга кетган аёл бугун қаттиқ таассуфда. У саргардонлик азобидан-ку қутилди, аммо ор-номуси топталгани унинг бошини умрбод эгди. Энг ёмони, 30 ёшли гўзал аёлни бу йўлга унинг танишлари бошлашди. Аниқроғи, харом пул топиш илинжида содда жувонга фириб беришди. Яқинлари, қадрдон маҳалладошлари кўмагида ижтимоий ҳаётга мослашаётган аёл бугун атрофидагиларни ушбу иллат домига тушмаслик учун огоҳлантиради, жаннатмонанд юртимизни тарк этмасликка ундайди.

Дарҳақиқат, инсон эркинлиги, тенглиги ва шахсий дахлсизлигига путур етказиб, уни турли хўрлик ва камситишларга дучор этадиган «бизнес»нинг ушбу тури энг сердаромад соҳа бўлиб қолмоқда. Халқаро экспертларнинг баҳолашича, одам савдосидан тушадиган йиллик даромад 7 миллиард АҚШ долларидан ошади. «Одам савдогарлари» ҳатто таниш-билишлари, яқин кишиларини ҳам мажбурий меҳнат, турли хил тубан ишларни бажартириш учун она юрти сарҳадларидан олиб ўтишаётгани аянчли.

Пойтахтимизнинг Чилонзор тумани «Кўтарма» маҳалласи фаоллари аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, одам савдоси қурбонига айланмаслик, аёлларнинг сиёсий фаоллигини ошириш ва бошқа йўналишлар бўйича тарғиботнинг таъсирчан усулини синовдан ўтказишаётир. Ҳар куни йиғин идорасида аҳолини қизиқтирган мавзуларда суҳбатлар уюштирилиб, бу борада уларнинг фикр-мулоҳазалари ўрганилаётир. Куни кеча бўлиб ўтган давра суҳбати кишиларни одам савдоси ва унга қарши кураш, соҳага оид қонунчилик билан таништиришга бағишланди.

— Маҳалламизнинг 5000 нафарга яқин аҳолиси, айниқса, келажагимиз эгалари бўлмиш ёш йигит-қизларни турли хавф-хатарлар, тазйиқ ва тажовузлардан ҳимоялаш — зиммамиздаги долзарб вазифалардан, — дейди «Кўтарма» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Мукаррам Остонова. — Буни дилдан ҳис қилиб, тарғиботнинг таъсирчан усуллари орқали маҳалладошлар онгию савиясини оширишга интилаётирмиз. Кичик эксперимент сифатида бошлаган «Дилдаги гаплар» лойиҳамиз қисқа фурсатда кутилган натижаларни бераётир. Жумладан, Одам савдосига бағишланган давра суҳбатимизда Конституциямизнинг 13-моддасида Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланиши, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши қатъий белгилаб қўйилгани яна бир бор таъкидланди. Юртимиздаги шарт-шароитлар, маблағ орттиришнинг ҳалол йўллари ҳақида фикрлашилди. Бу суҳбатимиз мўмай даромад илинжида хорижга отланган айрим маҳалладошларимизни бегона юртларда алданиб, сарсон-саргардонликка гирифтор бўлишидан огоҳ этди.

Юртимизда очиқ ташқи сиёсатга эга бўлган кучли демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этилаётир. Фуқаролик жамиятида эркинлик ва қонунга бўйсуниш бир вақтнинг ўзида амалга ошиши керак. Унда жамиятнинг ҳар бир аъзоси инсон сифатида эркин ва озод бўлиши, фуқароларнинг ўзаро тенглиги, мустақиллиги каби принциплар устувор аҳамият касб этади. Маҳалла ҳам фуқаролик жамиятининг узвий таркибий қисми. Шу жиҳатдан олиб қараганда, у улкан ижтимоий вазифани бекаму кўст бажараётир.

— Маҳаллаларда одам савдосига қарши курашиш борасида олиб борилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар кўплаб инсонларнинг тақдирида муҳим аҳамият касб этмоқда, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви бош мутахассиси Азамат Зоҳидов. — Фуқаролар, айниқса, ёш авлоднинг одам савдосидан жабрланишларининг олдини олиш мақсадида 5364 та маҳаллада, 5500 та таълим муассасасида 13003 та давра суҳбати ва 7915 та учрашув ташкил этилди. Мазкур тадбирларда 1069863 нафар аҳоли, хусусан, 679569 нафар ёшнинг иштироки таъминланди.

Қолаверса, бу иллатдан жабрланган фуқароларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини янада кучайтириш, одам савдосига қарши курашувчи идоралар ўртасида ўзаро ахборот алмашинуви тартибини такомиллаштиришга қаратилган идоравий ҳужжатлар лойиҳаларига таклифлар ишлаб чиқилди.

Жабрдийдаларнинг кейинги тақдири ҳам Фонд мутасаддиларининг эътиборидан четда эмас. Жойларда одамфурушлардан азият чекканларни соғломлаштириш ва бандлигини таъминлашнинг аниқ механизмлари шакллантирилиб, бу борада муайян ишлар амалга оширилаётир.

Ю.ҲОЖИЕВА
«Mahalla»

ИНСОН МАНФААТЛАРИ — ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

# КЕКСАЛИКНИНГ ТОТЛИ КУНИ УЧУН САРМОЯ

**Ёши улуғ кишилар ҳар бир хонадоннинг фариштаси, кўркию зийнати. Мамлакатимиз қонунчилигидаги қатор ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам кексаликни муносиб ҳимоялаш, нуронийларни ҳар томонлама асраб-авайлашдек эзгу ғоялар жамланган.**



Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуни шулар жумласидан.

Пенсия тизимини ислоҳ қилишга қаратилган қонун, асосан, бозор иқтисодиёти шароитида пенсия ёшидаги фуқароларни моддий қўллаб-қувватлаш, иш берувчиларнинг ходимлар моддий аҳволини яхшилашдаги масъулиятини кучайтириш, амалдаги пенсия тўловлари учун қўшимча даромад олиш манбаларини яратиш, қолаверса, кексалик чоғида фуқароларнинг ўз фаровонлиги учун шахсий жамғармаларини шакллантиришга замин ҳозирлашга қаратилгани билан муҳимдир. Қонуннинг ижросини тўлақонли таъминлаш мақсадида ҳукуматимиз томонидан бир қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди.

Фуқаролар манфаатларига хизмат қилувчи ушбу қонуннинг 6-моддасида иш берувчиларнинг, шунингдек, меҳнат фаолиятини шартнома асосида амалга оширувчи фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этиши мажбурийлиги кўрсатиб ўтилган. Демак, бу пенсия ёшида меҳнат фаолиятини давом эттираётган фуқароларга ҳам тааллуқли.

Хўжалик субъектларида меҳнат шартномаси асосида ишлаётган фуқаролар мазкур тизим субъектларига айланадилар ва унда мажбурий иштирок этадилар. Бунда уларнинг ойлик иш ҳақларидан бир фоиз миқдордаги маблағ, ҳисобланган даромад солиғи суммасидан чегириб ташланган ҳолда, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-варақларига ўтказилади.

Барча юридик шахслар, яъни иш берувчилар қайси туман Давлат солиқ инспекцияси рўйхатида бўлса, ўша тумандаги Халқ банкида ходимлари учун махсус ҳисоб-рақамлари очиб, ойлик иш ҳақлари ва уларга тенглаштирилган тўловлардан ушлаб қолинган бадал суммаларини ҳар ой якунида ўтказиб борадилар.

Юридик шахс бўлмаган ҳолда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар, деҳқон ва фермер хўжаликларнинг аъзолари, уй бекалари, вақтинча ишсиз ҳамда бошқа фуқаролар ҳам ихтиёрийлик асосида бу жараёнда иштирок этишлари мумкин. Улар ўзлари яшаб турган ҳудуддаги Халқ банки филиалига мурожаат этиб, шахсий жамғариб бориладиган ҳисоб-варағи очиш, қулай вақтда ушбу ҳисоб-варақќа чекланмаган миқдордаги бадалларни қўйишга ҳақлидирлар. Башарти, фуқаролар вафот этган тақдирда, унинг ҳисоб-варағида жамғарилган маблағлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, меросга ўтади ва барча маблағ бир йўла тўланади.

Қонун фуқаролар манфаатларини ҳар томонлама ҳимоялайди. Жумладан, фуқаро Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига доимий яшаш учун чиқиб кетаётган бўлса ҳам маблағларни бир йўла олишга ҳақлилиги қонуннинг тегишли бандларида мустаҳкамланган.

Эътиборли жиҳати, 5-моддада жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этувчи фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-варақларида бундай маблағларнинг сақланиши ва тўланиши давлат томонидан кафолатланган.

Бу борада иш берувчи манфаатлари ҳам эътибордан четда эмас. Инчунин, уларга қулайлик яратиш мақсадида ҳукуматимиз томонидан ҳужжатга киритилган ўзгартишга мувофиқ, эндиликда иш берувчи ҳар ойда реестрни жамғариб бориладиган пенсия тизимининг ягона маълумотлар электрон базаси форматидаги электрон хужжат кўринишида шакллантиради ҳамда электрон манбаларда жойлардаги Халқ банки филиалларига тақдим этади. Бевосита умумий фойдаланишдаги коммуникациялар тармоғи орқали банкнинг ахборот тизимига узатиши ҳам иш берувчини турли оворагарчиликлардан қутқаради.

Ушбу қулайликлардан фойдаланишда, ҳар бир фуқаро зиммасидаги масъулиятни ҳам унутмаслиги лозим. Жумладан, солиқ қонунчилигидаги талабларга мувофиқ, жамғариб бориладиган пенсия мажбурий бадалларининг ўз вақтида ва тўлиқ киритилишини таъминламаган шахсларга нисбатан белгиланган чоралар мавжуд.

Таъкидлаш жоизки, 2010 йил 1 январдан бошлаб фуқароларнинг Халқ банкидаги шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-варақларига ихтиёрий равишда йўналтириладиган суммаларига жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи солинмайди. Бу эса юртимизда инсон қадри нечоғли баландлигидан, фуқаролар давлатимизнинг доимий ғамхўрлиги остида эканидан далолатдир.

Махсуд СОЛИЕВ,
Мирзо Улуғбек тумани
ДСИ бўлим бошлиғи.

ОСОЙИШТАЛИГИМИЗ ПОСБОНЛАРИ

# ТИНЧЛИК ҲУКМРОН ЖОЙДА ТАРАҚҚИЁТ БАРҚАРОР



**Юртимизда ҳар бир соҳанинг жадал ривожланаётгани, шубҳасиз, она заминимизда ҳукм сураётган осойишталик билан боғлиқ. Бугун кишиларнинг онгу-тафаккурида фақат эзгу ғоялар — юрт тараққиёти, Ватан равнақига муносиб ҳисса қўшиш нияти жўш ураётир.**

Шу боис аҳоли турмуш фаровонлиги юксалиб, жаннатмонанд диёримиз кундан-кун чирой очмоқда. Бу улуғ неъматни асраб-авайлаш нафақат ўз хавфсизлигимиз, балки оилалар хотиржамлиги, маҳалла-кўй аҳиллиги, бир сўз билан айтганда, юртимизнинг бугуни ва келажаги барқарор бўлишини таъминлайди.

Яккасарой тумани «Бошлиқ» маҳалла фуқаролар йиғини ҳузуридаги «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси аъзолари ҳам бундай эзгу ғояларни дилдан ҳис этишади. Шу боис ҳудудда қатор самарали тадбирлар амалга оширилаётир.

— Жаҳонда она юртимиздаги тинчлик-осойишталикка ҳавас билан қарайдиган мамлакатлар кўп, — дейди тузилма сардори Темур Кенжаев. — Шундай экан, уни асраб-авайлаш, бугунги дориламон замоннинг қадрига етиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир. Ҳудудимиздаги 35 та кўпқаватли уйда 7750 нафар киши истиқомат қилади. Уларнинг тинч, осойишта ҳаётини таъминлашга масъулмиз. Бу вазифани бекаму кўст адо этишда бизга уй бошлиқлари яқиндан ёрдам беришмоқда. Улар кўмагида маҳалла билан боғлиқ барча маълумотларни, хусусан, оилалардаги муҳитни, ҳар бир фуқаронинг шахси, турмуш тарзи, моддий шароити ва маънавий қиёфаси, ижтимоий-сиёсий дунёқараши, теварак-атрофидагилар билан муносабати ҳақидаги маълумотларни жамлаймиз.

«Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси фаолияти бўйича низомнинг тегишли бандларида белгиланган талабларга кўра, сардор ҳудуддаги 127-умумтаълим мактаби педагогик жамоаси билан ҳамкорликда ўқувчилар ўртасида турли диний оқимлар, уларнинг таъсирига тушиб қолмаслик ҳақида батафсил тушунчалар бер-япти. Қатор меъёрий ҳужжатлар асосида ўз ишини аниқ ва тизимли ташкил этган бошлиқлик посбонларнинг бугун кўнгли тўқ. Улар маҳаллада энг азиз ва энг улуғ байрамимизни кўтаринки кайфиятда нишонлаш учун янада ғайрат билан меҳнат қилаётирлар.

Баҳодир ҲАЛИМОВ
«Mahalla»

СИЗНИ ҚИЗИҚТИРГАН САВОЛ

# Имтиёз ва шароит кафолатланган

Савол: — *Мен 1980-1981 йилларда Афғонистон Республикасидаги жанговар ҳаракатларда иштирок этганман. Тинчлик ва осудалик ҳукм сураётган юртимизда биз каби уруш қатнашчиларига кўплаб имтиёзлар яратилган. Бироқ айрим ҳолларда ушбу қулайликлардан ҳақ-ҳуқуқларимизни билмаслик, мажбуриятларимизни тўла англамаслигимиз боис фойдалана олмаймиз.*

*Ҳурматли таҳририят, мамлакатимизда Афғон уруши қатнашчиларига яратилган шарт-шароит, имтиёз ва ҳақ-ҳуқуқлар тўғрисида батафсил маълумот берсангиз.*

Т.ТОШМУҲАМЕДОВ,
II гуруҳ ногирони.
Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани «Камолон» маҳалла фуқаролар йиғини ҳузуридаги «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси сардори.

Жавоб: — Мамлакатимизда истиқомат қилаётган Афғон уруши қатнашчиларига қатор имтиёзлар берилган. Жумладан, Президентимизнинг 1990 йил 7 майдаги Фармонига асосан Афғонистон Республикаси ва бошқа давлатлар ҳудудидаги жанговар ҳаракатларда қатнашган фуқароларга, шунингдек, бошқа мамлакатларнинг ҳудудларида турли йилларда жанговар ҳаракатларда қатнашган собиқ ҳарбий хизматчиларга улар яшаб турган давлатга ва идораларга қарашли уй ҳамда квартиралар шахсий мулк қилиб берилди.

Бундан ташқари, Афғонистон Республикасида ва бошқа мамлакатларнинг ҳудудидаги жанговар ҳаракатларда қатнашган фуқаролар Ўзбекистон Республикасининг «Шаҳар йўловчилар транспортидан бепул фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида»ги қонунига мувофиқ, шаҳар йўловчилар транспортидан (таксидан ташқари) бепул фойдаланиш ҳуқуқига эга. Шунингдек, улар Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 180-модда 2-қисм 8-бандига асосан жисмоний шахслар солиқ солишдан қисман (даромад олинган ҳар бир ой учун энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдоридаги даромадлар бўйича) озод қилинади. Шу Кодекснинг 331-моддаси 13-банди талабларига мувофиқ Афғонистон Республикасида байналмилал бурчини ўтаган шахслар, агар улар вафот этган бўлса, уларнинг оила аъзолари — имтиёзлар берилиши учун зарур ҳужжатлар кўчирма нусхаларининг тўғрилигини тасдиқлатганлиги учун нотариал ҳаракатлар амалга оширилганда давлат божини тўлашдан озод қилинади.

Иззатилла ДАМИНОВ,
ҳуқуқшунос.

ЭЙ, СИЗ ОДАМЛАР, ЭСИЗ ОДАМЛАР...

# ТУНГИ «БЕДОР» ҚЎЛГА ТУШДИ



**Артур гўё кировни кутаётгандек кўпқаватли уйнинг йўлаги олдида узоқ вақт сигарет тутатиб ўтирди. Ўзини бепарводек тутаётган бу йигит аслида кирган-чиққанларни кўз қири билан кузатар, нимадандир асабийлашаётгани унинг илкис ҳаракатларидан сезиларди.**

Мана, ниҳоят у кўзлаган хонадоннинг сўнгги вакили уйдан чиқди. Артур пича унинг уйдан узоқлашиб кетишини кутди. Кейин эса аста-секин юқорига кўтарилди. Бироқ мўлжалдаги хонадон эшиги билан ёнма-ён жойлашган эшик қия очиб қўйилган, у ердан оила бошлиғи ва аёлининг гап-сўзлари эшитиларди.

«Иш яна расво бўлди», кўнглидан ўтказди у ва бир нималарни тўнғиллаб ортига қайтди. Йўлакдан ташқарига чиққач, атрофга яна олазарак разм солди. Маҳалла аҳли чунонам серҳаракат эдики, қўяверасиз. Ким ариқларни тозалаган, ким йўлакларга сув сепиб, супурган. Биров ишга шошилса, бошқаси рўзғорхалта кўтариб эрталабки бозор-ўчардан қайтган. Бунинг устига, ёзги таътил эмасми, болалар ҳовлини тўлдириб чопқиллаб ўйнаб юришибди. Хуллас, «дом»дан одам оёғи узилмасди.

Артур яна сигарет тутатди. Бу ерда узоқ қолиш кишиларда шубҳа уйғотиши мумкинлигини ўйлаб ортига қайтди. У йўл-йўлакай миясига келган фикрдан хурсанд бўлди. Ҳа, яхшиси, шундай қилади, кундузи шунча одамнинг кўз олдида тентираб муаммо орттиргандан кўра, ишни тунда, ҳамма ғафлат уйқусида ётганида бажаради...

*«Жорий йил 17 июнга ўтар кечаси, тунги соат 03:00 да номаълум шахс Тошкент шаҳар Сергели тумани Биродарлик даҳасидаги хонадонлардан бирида яшовчи Мунира Миролимованинг уйига кириб, меҳмонхона столи устида турган, ичида 1500 АҚШ доллари, 300000 сўм пул ва «Нокия» мобиль телефон бўлган сумкани ўғирлаб кетган».*

Ички ишлар бошқармасидан олинган бу тезкор хабар соҳа ходимларини оёққа турғазди. Мазкур ҳолат юзасидан Сергели тумани Ички ишлар бошқармаси тергов бўлими Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 169-моддаси, 2-қисми билан жиноят иши қўзғатди. Жиноятни фош этишга Жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўлимининг малакали ходимлари жалб қилинди.

Ўтказилган тезкор тадбирлар ўз натижасини бермай қолмади. Ушбу жиноятни 1987 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, 2 маротаба судланган Л.Артур содир этгани аниқланди. Қизиқ томони шундаки, у жорий йилнинг 6 июлида Юнусобод тумани ҳудудида қўйилган автомашиналардан бирида ўғирлик жиноятини содир этаётган вақтда қўлга олинди. Бирининг изи совимай туриб, иккинчисига уриниш...

У ҳақидаги маълумотларга кўз ташланганида яна шу нарса аён бўлдики, «қаҳрамон»имиз жорий йилнинг 17 апрелида жазони ижро этиш муассасасидан озод этилган, унга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланганди. Артур эса бошига тушган кўргиликлардан сабоқ чиқармади. Бир ишнинг бошини тутиб, ҳалол яшашни ўзига эп кўрмади. Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас, деганларидек, яна эски «юмуш»ига қайтди.

Л.Артур билан олиб борилган тезкор суриштирув ишлари давомида аниқланишича, у юқорида қайд этилган хонадондан ташқари яна бошқа жойларда ҳам бир нечта жиноят содир этган экан. Жиноят жойларидан олиб кетилган ашёвий далиллар Сергели ярмаркасида арзон-гаровга пулланган. Айни пайтда Артурнинг бошқа жиноятларга алоқадорлиги юзасидан тезкор-суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

Ҳа, қилмиш — қидирмиш, деган нақл бежиз айтилмаган. Артур қилмишлари учун суднинг қора курсисидан жой оладиган бўлди.

Акмал ҚОДИРОВ,
Ички ишлар вазирлиги
ЖҚваТҚКББ матбуот котиби.

МАЪНАВИЯТГА ТАҲДИД — КЕЛАЖАККА ТАҲДИД

# КОМПЬЮТЕР ҚАРШИСИДА КИМ НИМАНИ КЎРАДИ?..



**Дунёда кечаётган глобаллашув жараёнларини кўриб-кузатиб, айниқса, ахборот технологияларининг мислсиз ривожидан унчалик ҳайратга тушмай қўйдик. Холбуки, радио деб аталмиш қурилманинг овозидан, «тўрт бурчак қути» ичидаги тасвирларнинг ҳаракатидан ёқа ушлаб, йил сайин такомиллашганига шоҳид кишилар ҳали-ҳамон учрайди.**

Лекин бугун рангсиз (оқ-қора) телевизорни умрида кўрмаган ва ҳатто тасаввур ҳам эта олмайдиган авлод шаклланди. Муболағасиз айтганда, ҳозир эндигина тили чиқиб, ҳаётга мослашаётган болакайнинг нафақат телевизорга, ҳатто уяли телефонга, компьютерга ҳам ақли етади. Туну кун экран қаршисига чўк тушиб, компьютерга муккасидан кетган ёшлар сони ортиб бораётгани ҳам бор гап. Ўз навбатида, эҳтиёжга қараб, компьютер хизматлари шундай оммалашдики, нафақат марказда, ҳатто энг олис қишлоқ ва маҳаллаларда ҳам пештоқига «Интернет-кафе», «Компьютер ўйинлари» ёзуви туширилган хоналар пайдо бўлди.

Фаолият юзасидан мутасадди идоралар вакилларидан иборат гуруҳ билан ўрганиш учун Тўрақўрғон тумани марказида, шундоққина маҳалла фуқаролар йиғини идораси рўпарасида (айрим истиҳола билан маҳалла номини келтирмадик — муаллиф) жойлашган «Компьютер хизмати»га кирдик. Кундузи соат ўн икки. Айни тушлик қиладиган, инсон организми очиқиб турган вақтда торгина, зах ҳиди уфуриб турган ним қоронғу хонада 20 га яқин компьютер олдига ўтириб олиб, ўйин ўйнаётган болаларни кўриб, ҳайратимиз ортди. Биз киргач, хонадаги шовқин-сурон тиниб, компьютер қаршисидагиларнинг айримлари секингина ташқарига чиқиб кета бошладилар. Тўхтатсак, юзларида қўрқув аралаш йиғламсираш аломати ҳукмрон. Чунки уларнинг аксарияти эндигина 8-10 ёшга кирган болалар эди. Ёши каттароқ ўсмирлар эса бефарқлик билан машғулотларини давом эттирдилар. Деярли барча экранларда бир хил ўйин — қурол кўтарган, бир-бирини ўлдираётган кимсалар тасвири, қон сачратаётган кўринишлар. Бироз авваллроқ хонадан чиқаётган болаларнинг юзидаги ҳадик, қўрқув сабабини тушунгандай бўлдик. «Компьютер хизмати» эгаси аёл киши экан. Икки нафар фарзанди бор она олдимизда мулзам бўлиб турибди. Демак, бу иши яхшиликка хизмат қилмаслигини тушунган. Бироқ англаб туриб ҳам шундай хизматни ташкил этгани-чи?!

Албатта, компьютернинг ихтиро этилиши инсониятнинг энг катта ютуқларидан бири. Чунки унинг афзалликлари, қулайликлари, фойдаси чек-чегарасиз. Шу жумладан, интернетнинг ҳам. Бироқ ойнинг орқа томони қоронғу бўлганидек, интернетдан ўзининг ғаразли, жирканч мақсадлари йўлида фойдаланиш ҳолатлари кўпайгани ташвишлидир. Очиқроқ айтганда, интернет орқали ёшлар онгу-шуурига, демакки, тафаккурига, дунёқарашига, охир-оқибат, унинг ўзига эгалик қилишни хоҳлаётганлар ҳам учрамоқда. Бу эса асрлар давомида ардоқлаб келаётганимиз — маънавиятимизга, демакки, келажагимизга таҳдиддир. Келинг, шу ўринда аниқ далилларни таҳлил этайлик.

Маълумотларга кўра, Ўзбекистонда интернет тармоғидан фойдаланувчилар сони 8 миллиондан ортиқ бўлиб, уларнинг 92 фоизини ёшлар ташкил этади. Хўш, бунинг нимаси ёмон?! Аксинча, яхши. Бироқ ана шу интернет қаршисида ўтирган ёшлар нимани ўқиб, нимани ўрганишмоқда, деган ҳақли савол ҳам туғилади-да. Бугун ёшларимиз дунё янгиликларидан хабардор бўлиш мақсадида «Интернет» марказида хилма-хил хабарлар олиш учун кўплаб веб-сайт(саҳифа)лардан фойдаланишади. Афсуски, улар орасида четдан туриб юртимиздаги ижтимоий-сиёсий вазиятга нохолис баҳо берувчи кучларнинг ахборот сайтлари ҳам мавжуд. Шунингдек, маънавиятимизга, миллий қадриятларимизга зид бўлган расмлар, видеоклиплар ва яна алламбалолар жойлаштирилган сайтларчи?! (Бу ҳақда аниқ маълумотлар бор. Бироқ уларни реклама қилиб қўйишнинг олдини олиш мақсадида номларини келтирмадик — муаллиф).

Маълумотларга кўра, глобал тармоқда ўз жонига қасд қилишнинг осон йўлларини тарғиб қилувчи 10 мингдан зиёд (!) сайт мавжуд. Компьютер ўйинларининг 49 фоизи эса зўравонлик ва ёвузликни тарғиб қилади. Халқаро экспертлар дунё миқёсидаги болаларнинг 38 фоизи зўравонлик руҳидаги, 26 фоизи эса миллатчилик характеридаги веб-саҳифаларни мунтазам кузатиб боришини аниқлашган.

— Интернет тармоғи ўзига хос ижобий хусусиятлар билан бирга қатор салбий жиҳатларга ҳам эга, — дейди Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Наманган вилоят ҳудудий бўлинмаси катта мутахассиси Муҳаммадали Убайдуллаев. — Ахборот кўламининг кенглиги, тезкорлиги, улардан фойдаланиш имкониятларининг юқорилиги унинг ижобий жиҳатларини кўрсатса, дезинформациянинг кўплиги, тармоқда нохолис ахборотларга чекловларнинг йўқлиги, турли хил кучларнинг ижтимоий онг манипуляцияси учун интилишларига омил бўлиши салбий томонларидан дарақдир. Мисол учун, биргина Odnoklassniki.ru тармоғини олиб кўрайлик. Унинг аъзолари ўзларининг қизиқишларидан келиб чиқиб, турли гуруҳларга бўлинган. Уларнинг таркиби таҳлил қилинганда, гуруҳлар орасида ўзбек ёшлари ўртасида беҳаёликни, ваҳшийликни тарғиб этувчи 100 дан ортиқ гуруҳлар борлиги, ушбу гуруҳларга 50 минг нафардан ортиқ йигит-қиз аъзо эканлиги кузатилди. Ташвишланарлиси, 2013 йил 1 январь ҳолатига кўра, ушбу тармоқдан фойдаланиш учун республика бўйича 2,5 миллиондан ортиқ фуқаролар рўйхатдан ўтган. Уларнинг 50,4 фоизини ёшлар ташкил қилади.

Бу каби мисолларни мулоҳаза қила туриб, «Интернет-кафе»лари ҳамда «Компьютер ўйинлари»нинг бугун юртимизда бодроқдек кўпайиб бораётганидан ташвишланмасликнинг иложи йўқ. Жумладан, ҳозирги кунга келиб республикамизда 1030 дан зиёд «Интернет-кафе»лари ҳамда 500 дан ортиқ «Компьютер ўйинхона»лари фаолияти йўлга қўйилган. Сон жиҳатидан Тошкент шаҳри(678 та), Наманган вилояти(168 та), Тошкент вилояти(165 та) ва Навоий вилояти(155 та) да бундай фаолият турлари кўпроқ ташкил этилганини кўриш мумкин.

Бу рақамлар рўйхатдан ўтиб, расмий фаолият кўрсатаётган ўйинхоналарни акс эттиради. Аслида-чи?!

Яқинда бир маҳалладошимнинг уйидаги зиёфатда иштирок этдим. Уч-тўрт қўни-қўшнини айтиб, дастурхон тузаган экан. Иттифоқо, шу хонадаги токчада турган компьютерга кўзим тушди. Оддий қишлоқ оиласи, маҳалладошимда замонавий электроника борлигидан қувондим. Суҳбат асносида эса унинг афсусларини эшитдим:

— Фарзандларим мазза қилиб компьютер ўйнасин, деб олиб бергандим, — дейди у. — Ҳар гал чет элга ишлагани бориб-қайтганимда «зўр» ўйин дискларидан олиб келардим. Ҳаммаси «боевик». Адашган эканман. Ўзим узоқда, булар уйда туну кун компьютердан бош кўтармай, тарбияси анча бузилибди. Боз устига, анчайин жиззаки, асабий бўлиб қолишган. Болалар ҳар куни ҳархаша қилишса ҳам ҳозир компьютерни йиғиштириб қўйдим.

Бу гап-сўзлардан кейин маҳалладошимнинг фарзандлари нима учун кўча-кўйда урушқоқ, зўравон сифатида танилганининг сабабини тушунгандай бўлдим.

Аслида компьютердан, интернет тармоғидан фойдаланиб катта билим ва ахборот олиш мумкин. Фақат унинг қаршисига ўтирганда оқ билан қорани фарқлайдиган, берилаётган ахборотни сарак ва пучакка ажрата оладиган тушунчамиз бўлиши лозим. Демак, фарзанд тарбиясидек нозик масалага, у ўқитувчи ёки ота-она, маҳалла фаоли ёки бошқа соҳа вакили бўлишидан қатъи назар, барча бирдек эътибор билан қараши керак. Яъни, боламизга аввало, компьютердан фойдаланиш маданиятини шакллантиришимиз даркор. Фарзандларимизга бу замонавий воситанинг яхши-ёмон томонларини чуқурроқ тушунтириш, ундан фақат эзгу мақсадлар йўлида самарали фойдаланишни ўргатишимиз лозим. Маҳалламизда, кўчамизда ишлаб турган ана шундай компьютер хоналарга бирров кириб, улар фаолияти билан яқиндан танишиб қўйиш ҳам келажагимиз учун зиён қилмайди.

Илҳомжон РАҲМАТОВ
«Mahalla»

## Дунё бўйлаб

### Нефть денгизга оқди

☑ Индонезиянинг Тернате шаҳридаги Молока денгизи қирғоғида танкер ҳалокатга учраши оқибатида қарийб 6 тонна нефть денгизга оқиб кетди.



Тезкор қутқарув гуруҳи ҳалокатга учраган кемадаги маҳсулотнинг фақат бир тоннасинигина асраб қолишнинг уддасидан чиқа олди, холос.

Мазкур ҳолатга «Pertamina» компаниясининг масъулиятсизлиги сабаб бўлган. Ҳозирда ушбу масала юзасидан суриштирув ишлари бошлаб юборилди.

### Талафот катта зарар етказди

☑ Тунда юз берган кучли шамол натижасида Шарқий Грузиянинг Кахетия вилоятидаги қишлоқ хўжалиги экинларига катта талафот етди.



6 та тумандаги 400 гектарлик узумзор буткул пайҳон бўлган.

Ҳисоб-китобларга кўра, пайҳон натижасида 80 фоиз ҳосил йўқотилган. Бу Гурузия учун катта иқтисодий зарардир.

Айни вақтда аҳоли мамлакат майдонларидаги ҳосилни сақлаб қолиш ҳаракатида.

### Смартфон ҳалокатларга сабабчими?

☑ «Galaxy S4» смартфони сабабли Гонконгда юзага келган ёнғин туфайли бутун бошли уй ёниб кетди.




Смартфон эгаси унда ўйин ўйнаб ўтирган пайтида қурилма тўсатдан ёниб кетган. Бундан қўрқиб кетган киши уни диванга улоқтириб юборган, ёнғин бир зумда бутун уйни қоплаган. Ҳодиса оқибатида ҳеч ким жабр кўрмади.

Гонконгликнинг таъкидлашича, унинг «Galaxy S4» ускунаси оригинал қувватлаш манбаи ва аккумулятордан куч олган, аппарат токка уланмаган бўлган. «Samsung» компанияси вакиллари унинг сўзларини текшириш учун смартфон қолдиқларини кимёвий таҳлил қилишларини билдиришди.

Смартфонларнинг ўз-ўзидан ёниб кетиш ҳолатлари Хитойда кўп учрамоқда. Яқинда 23 ёшли қиз қувват олаётган ускунада гаплашаётганида вафот этганди. 30 ёшли йигит эса «iPhone 4»дан фойдаланиши натижасида кома ҳолатига тушган.

Интернет маълумотлари асосида Нилуфар ЮНУСОВА тайёрлади.

ХАЗИНА

## «Ҳар неким, кўнгилда бор...»

*АВВАЛ ЎЙЛА, КЕЙИН СЎЙЛА*

Жамият аъзолари ўзаро муносабатларда сўзлашиш одобига қатъий риоя қилишлари зарурлиги таъкидланади. Киши айтадиган ҳар бир сўз(гап)ни аввал ўйлаб олиши, сўнг сўзлаши лозим. Ўйламай айтилган сўз кишини кўпчилик орасида уялиб қолишига, ҳатто фожиавий аҳволга тушишига сабаб бўлиши мумкин. «Сўзни кўнгилда пишқармагунча тилга келтурма, Ва ҳар неким, кўнгилда бор — тилга сурма». (Алишер Навоий).

Вариантлари: «Ўйламагунча сўйлама», «Кўп ўйла, оз сўйла», «Ўн қатим ўйла, бир қатим сўйла» (қатим игнага бир марта ўтказилиб иш тикишга етадиган, тикилаётган иш билан қулоч қилиб ёзилган қўлнинг учи орасидаги масофага тенг ип), «Дилда пишир, тилда гапир», «Ўйнаб гапирсанг ҳам, ўйлаб гапир», «Ўйнаб гапирсанг ҳам ўйингдагини айт», «Тез сўзлаган тез пушаймон бўлар», «Оғзига келган сўз арзон, овулга келган бўз арзон», «Ўйланмаган жойдан тулки чиқар, ўйланмаган сўздан кулки чиқар», «Англамай айтган тинглaмай ўлар, чайнамай ютган кавшамай ўлар».

*АГАР БЎЛСА ОҚЛИҒИНГ, БИЛИНМАЙДИ ЙЎҚЛИҒИНГ*

Оқлиқ — сут, қатиқ, пишлоқ, сузма, қурт, қимрон, қимиз ва шу кабилар. Бу маҳсулотларнинг киши саломатлигига фойдаси катта. Халқда туёғи бор, яъни чорваси бор оилада барака бўлади, деган гап бор. Сигир-бузоқли оила, тўқ оила ҳисобланган. Вариантлари: «Оқлик бўлса, очлик йўқ», «Оқимиз бўлса, сўкимиз бўлса, ўлмаймиз», «Оқлик бор уйга оғриқ доримас».

«Маънолар махзани»дан олинди.

ИШ БИЛГАНГА, БАЛЛИ!

# БОҒБОН БОҒЛАРИДА САХОВАТ УНГАН

**Тупроғимизнинг олтинга қиёсланиши бежиз эмас. Зеро, юртимизда етиштирилаётган сархил мева-сабзавотлар ўзининг ширин таъми билан азалдан дунё аҳлини ҳайратга солган.**

Андижон туманидаги «Қоратут» маҳалласида яшовчи Нўъмонжон Абдураҳмонов гулчилик билан шуғулланиш учун олган бир гектар ерининг етти сотихида иссиқхона ташкил қилиб, ҳинди-хитой мамлакатларининг папайя, пальма, банан ва киви каби цитрус меваларини парваришлаяпти.

— Дастлаб чет элнинг турфа гулларини ўстирдим, — дейди Нўъмонжон Абдураҳмонов. — Келган даромаддан Андижон ва Тошкент шаҳрида гул дўконлари очдим. Тармоқни кенгайтириш мақсадида папайя, пальма, банан ва киви каби инсон саломатлиги учун муҳим меваларни етиштириб, бозорга чиқаряпмиз.

Ҳинди-хитой мамлакатларининг номдор ўсимликлари юртимизда биринчилардан бўлиб Андижон заминида етиштириляпти. Боғбоннинг таъкидлашича, уларнинг инсон саломатлигига фойдаси катта. Папайянинг шираси бел оғриғини даволашда яхши восита. Банан ва киви эса инсоннинг хотирасини мустаҳкамлайди, болаларнинг зеҳнини ўткирлаштиради, қон томирларда тромблар ҳосил бўлишининг олдини олади. Пальма ёғи ўндан зиёд хасталикларга даво.

— Ушбу ўсимликларни парваришлаш бироз мушкул, — дейди Нўъмонжон Абдураҳмонов. — Танаси нозик. Сониясига 25 метр тезликда эсган шамол уни қулатиши мумкин. Шунинг учун тиргаклар қўйиб чиққанмиз. Қолаверса, ҳароратни бир меъёрда сақлаб туриш керак. Ернинг намлиги ва тупроқнинг майинлиги цитрус меваларнинг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга. Йиғин ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари бўйича комиссия аъзоларининг ташаббуси билан маҳалла аҳлига уни парваришлаш сир-асрорларини ўргатиб келяпмиз. Папайя, пальма, банан ва киви етиштириш қанча оммалашса, аҳолининг турмуш тарзи шунча фаровонлашади. Олдинлари лимоннинг нархи жуда қиммат эди. Ҳозир қишин-ёзин бозорларимизда ушбу маҳсулотни арзон нархларда харид қилиш имкони бор. Мақсадимиз — яқин йиллар ичида биз парваришлаётган мевалар ҳам ана шундай мўл ва арзон бўлишини таъминлаш.

Баҳодир ҲАЛИМОВ
«Mahalla»

КУЛГИ ҲАҚИДА ЖИДДИЙ ГАПЛАР

# КУЛГИ — ЯХШИ КАЙФИЯТ ВА САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

**Аския сўз санъатидир. Унинг замирида ҳаётий ҳақиқат, маслаҳат ва ўгитлар, ҳикматлар мужассам. У кишиларни ҳаётга теран боқишга, тез фикрлаш ва ҳозиржавобликка даъват этади. Бундан ташқари, мардлик, бағрикенглик каби хислатлар сўз ўйинининг гавҳари сифатида асрлар оша шаклланиб, тараққий этиб келмоқда.**

Ҳар ким ҳам топқирлик, ҳозиржавоблик қобилиятига эга эмас. Шу боис ҳам бу иқтидор эгалари халқ орасида эъзозланади. Қолаверса, аския таъсирчан тарбия воситаси сифатида ҳам қадрланади.

— Аския — ўзбек халқ оғзаки ижодининг кўҳна намуналаридан бири, — дейди Фарғона вилоят Юсуфжон қизиқ Шакаржонов номидаги театрнинг саҳналаштирувчи режиссёри Ғуломжон Маҳмудов. — Тарихий манбаларга кўра, аския, айниқса, халқ сайиллари, тўй-томошаларда, турли кўнгилочар тадбирларда ҳозиржавоб, топқир сўз усталарининг ижод маҳсули сифатида кишиларни ўзига ром этиб келган. Аския бир неча киши орасидаги сўзлар ўйинидан иборат бўлиб, аниқ бир мавзу, яъни пайровга асосланади. Пайровлар жониворлар, дов-дарахтлар, меҳнат, касб-корга ва бошқа мавзуларга боғланади. Баъзида сўз ўйини шаклида, баъзида «Биласизми?», «Ўхшатдим», «Гулмисиз, райҳонмисиз, жанбилмисиз?» деган сўзлар билан бошланадиган бундай мутойибалар турмушдаги баъзи муаммолар, инсон табиатидаги камчиликлар, дангасалик, таъмагирлик сингари ёт иллатларни кулги остига олиши билан ҳам катта тарбиявий аҳамият касб этади.

Аския айтиш аскиячидан сўзамолликни, тез фикрлаб, жавоб қайтаришни ва ҳамсуҳбатининг ҳурматини жойига қўйиб, чиройли иборалар билан муносабатда бўлишни талаб этади. Бу жанр айниқса, Фарғона водийсида кенг тарқалган. Нафақат санъаткорлар, балки оддий кишилар ҳам ўз давраларида аския айтишиб, кўнгил ёзишади, кайфиятларини кўтаришади. Айниқса, истиқлол йилларида бундай қадрият ва урф-одатларимизни ўрганиш ва тарғиб қилиш янада жонланди. Аския жанрининг бой мероси, бугуни ва эртаси ҳақида изланишлар, таҳлиллар, бу санъат фидойиларини рағбатлантириш, ёш иқтидор соҳибларини қўллаб-қувватлаш изчил давом этмоқда.

Дарҳақиқат, кулги яхши кайфият ва саломатлик гарови сифатида қадрланади. Халқимизнинг «Кулги умрни узайтиради», «Юракдан кулган одам ўнта тухум қувватини олади», деган иборалари замирида ўзига хос ҳақиқат мужассам. Тиббиётчилар фикрича, кулги инсон саломатлигини тиклаш ва мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади. Хушкайфиятда юрган одамнинг юрак фаолияти, ҳаракат таянч аъзолари бошқаларга қараганда анча фаол бўлади. Кулгининг инсон иммунитетини ошириш, уни касалликлардан ҳимоялашда фойдаси катта. У юз мушакларини ҳаракатга келтириб, инсонни ёшартириш хусусиятига эга. Яхши кайфият қон таркибидаги ўзгарувчи моддалар фаоллигини ошириб, танадаги барча аъзоларни бир маромда ишлашини таъминлайди, иштаҳани очади.



Афсуски, баъзи давраларда айтилаётган аскияларни эшитиш кишига эриш туйилади. Кимнингдир устидан ошкора кулиш, ҳамсуҳбатини масхаралаш аскияга хос эмас. Ҳолбуки, кишилардаги иллатлар азалдан «коса тагидаги нимкоса» асосида айтиб келинган. Чунки ўзини ҳурмат қилган инсон ўзгалар ҳурматини ҳам жойига қўя билиши керак. Ўзини аскиячи, қизиқчи санайдиган айрим шахслар масаланинг ана шу жиҳатларини чуқур ўйлаб кўрсалар мақсадга мувофиқ бўларди.

Юсуфжон қизиқ Шакаржонов, Ғани Аъзамов, Сойиб Хўжаев, Мухиддин Дарвешев сингари кулги дарғалари томонидан яратилиб, халқ ҳукмига ҳавола қилинган аския, пайров ва ўхшатишлар ҳануз ўз қадр-қимматини йўқотмай келмоқда. Бунинг сабаби нимада? Боиси улар одамлар ҳаёти, яшаш тарзи, ўй-фикрлари билан ҳамоҳанг.

Аслини олганда, аския бирор-бир ёзувчи томонидан ёзиб берилмайди. Фақат ҳаётга теран нигоҳ билан қараб, уни кузата билган, нозик қирраларини илғай олган ва халққа манзур қилиб етказиб берган инсонгина ҳақиқий санъаткордир.

Расул КАМОЛ
«Mahalla»

НУРОНИЙЛАР — ТАРҒИБОТДА ЕТАКЧИ КУЧ

# ЎГИТ ВА НАСИҲАТДАН БАҲРАМАНД ЁШЛАР



**Юртимизда ёшларни юксак маънавиятли ва маърифатли этиб тарбиялашда маҳаллаларда амалга оширилаётган оммавий тадбирлар қўл келаётир. Бу борада йиғинларга давлат ва жамоат ташкилотлари ходимлари, маънавият тарғиботчилари, нуроний отахон ва онахонлар яқиндан кўмаклашяпти.**

Бугунги кунда Сурхондарё вилоятидаги 712 та маҳалла фуқаролар йиғинида 138 мингдан зиёд нуроний истиқомат қилмоқда. Уларнинг бир қисми ҳамон ижтимоий меҳнат, ибратли фаолият билан банд. Шунингдек, отахон-онахонлар орасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида иш олиб бораётган йиғин раислари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, доимий комиссиялар аъзоларининг сони 20 минг нафардан ошади.

Ҳозирда кўп йиллик турмуш ва меҳнат тажрибасига эга нуронийлар маҳаллаларда тузилаётган «Ота-оналар университети»га ҳам жалб этилаётир. Жумладан, Музработ туманидаги Зоир полвон Нозимов номидаги маҳалла фуқаролар йиғинида меҳнат ва уруш фахрийларининг ёшларни турли зарарли таъсирлардан асраш, оилаларни мустаҳкамлаш борасидаги ибратли ишлари вилоят миқёсида эътирофга сазовор бўлмоқда.

— Кексаларимиз ибрати ёшларга ғайрат, иштиёқ бахш этади, — дейди Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Сурхондарё вилояти бўлими раиси Орзиқул Соатов. — Шу боис нуронийлар жамғармамизнинг вилоят ва туман бўлимлари фаоллари ташаббускорлигида ўтказилаётган кўчат ўтқазиш, ободонлаштириш ишларига ёшларни жалб қилишда катта ҳисса қўшаётир. Шунингдек, маҳаллада улар кўмаги ва маслаҳати билан бажарилган жамики ишлар самарали якун топаётгани — нуронийларимизнинг бебаҳо бойлигимиз эканлигидан далолат.

Нуронийлар «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими, вилоят хотин-қизлар қўмитаси, маънавият тарғибот маркази бўлимларининг одам савдоси, миссионерлик, гиёҳвандлик, қизларни эрта турмушга беришнинг олдини олиш, тўй-ҳашам ва бошқа оилавий маросимларни ортиқча сарф-харажат, исрофгарчиликларсиз ўтказиш, вояга етмаганлар тарбияси билан жиддий шуғулланиш, оналар ва болалар саломатлигини сақлаш борасидаги тарғибот ишларини олиб боришда яқиндан ёрдам бермоқдалар. Ҳамкорлик асосида нуронийларнинг бевосита ташаббуси билан «Ободлик кўнгилдан бошланади», «Аёл борки, олам мунаввар», «Мардлар қўриқлайди Ватанни!», «Ёшлар — миллат таянчи», «Қиз бола ибоси билан гўзал», «Оила мустаҳкам бўлса, фарзандлар баркамол бўлади» каби мавзуларда вилоят миқёсида 2 мингга яқин тадбир ва давра суҳбати, 942 марта уч авлод учрашуви ташкил этилган.

Айни кунларда нуронийларимиз томонидан муборак Рамазон ойини тинчлик-осойишталик билан ўтказиш, кишиларга меҳр-муҳаббатли бўлиш, етим-есир, жисмоний имконияти чекланган инсонлар, моддий ёрдамга муҳтож оилаларга хайру саховат кўрсатиш борасида маҳаллаларда тарғибот тадбирларини ташкил этишда жонбозлик кўрсатмоқдалар. Бундан ташқари, уларнинг бевосита саъй-ҳаракатлари билан ҳудуддаги 26 та муқаддас зиёратгоҳни, 391 та қабристонни озода сақлаш, ободонлаштириш бўйича ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Халқимизда «Қариси бор уйнинг париси бор» деган нақл бекорга айтилмаган. Кексалари эътибору эъзозда бўлган юрт кундан-кунга чирой очиб, обод бўлиб бораверади. Нуронийларимиз эса ўзларига кўрсатилаётган ғамхўрликлардан руҳланиб, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, баркамол инсонларни тарбиялашга муносиб ҳисса қўшишлари шубҳасиз.

Муҳаммадқул АЗИМОВ
«Mahalla»

МАҲАЛЛАМИЗ ИФТИХОРЛАРИ

# Ғолиб бўлиш эмас, ишончни оқлаш муҳимроқ



Б.РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

**Истиқлол йилларида юртимизда жисмонан бақувват ва маънан баркамол авлодни вояга етказиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Айниқса, хотин-қизларнинг ҳаётига, жамиятда тутган ўрнига алоҳида эътибор қаратилди.**

Бугунги кунда уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлиги таъминланиб, мамлакатимиз ҳаётининг нафақат сиёсий-ҳуқуқий, иқтисодий-ижтимоий соҳаларида, балки спортда ҳам эришган ютуқлари билан фаоллик кўрсатишаётир.

Эзгу ният билан бошланган иш, албатта, ўз самарасини беради. Нодира Бурхонхўжаева Шайхонтоҳур туманидаги «Жанггоҳ» маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилади. Стол тенниси билан олти ёшидан бери шуғулланиб келаётган Нодира тўққиз ёшида Швецияда ўтказилган «Бутунжаҳон болалар спорти» мусобақасида 3-ўринни эгаллаб, илк ғалабани қўлга киритганди. Шундан сўнг, у бирин-кетин муваффақиятларга эриша бошлади. 2005 йил Хитойда «Ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати»да 3-ўрин, 2007 йил Молдова, Москва, Хорватия, Франция ҳамда Қатарда бўлиб ўтган опен турнирларининг барчасида 1-ўрин ғолиби бўлди. 2013 йил Бухорода ўтказилган Универсиада баҳсларида иккита олтин, битта кумуш медални қўлга киритди. У етти карра Ўзбекистон ва Жаҳон чемпиони.

— Қизимни теннис тўгарагига олиб борганимда, ундан катта спортчи чиқади, деб ўйламаган эдим, — дейди Нодиранинг отаси Саидикром Бурхонхўжаев. — Унинг бугунги ютуқлари ўзининг тиришқоқлиги, интилувчанлиги, бундай ғайратли ёшларни қўллаб-қувватлаб турган Юртбошимиз эътиборларининг самараси деб биламан. У ғолиб бўлиш учун эмас, ўз иқтидорини намойиш этиб, ўзига билдирилган ишончни оқлаш учун мусобақаларда охиригача курашади. Нодиранинг келажакда бундан-да юқори чўққиларни забт этишига, Ватанимиз байроғини юксакларга кўтаришига ишонаман.

Ёш теннисчи айни кунларда келгуси чемпионатга ҳозирлик кўрмоқда. Бундан ташқари, Нодира маҳалладаги қизларни ҳам теннис сир-асрорларини ўрганиш истагидан бебаҳра қолдираётгани йўқ. Маҳалладошлари билан машғулот ўтиш унга ғоятда завқли. Бу унинг спортга меҳри баландлигидан, албатта.

Президентимизнинг ёшларга қарата айтган даъваткор гаплари бор: «Ҳар қандай инсон буюк куч соҳибидир. Фақат уни уйғота олиш керак». Ана шу кучни уйғотиш учун юртимизда барча шароитлар муҳайё. Халқимиз ўз келажагининг буюклигини Нодира Бурхонхўжаевадек интилувчан, изланувчан ва ҳамиша ғолиб ёшлар тимсолида кўради.

Дилдора ҚАРШИБОЕВА.

«ФУТБОЛИМИЗ КЕЛАЖАГИ — 2013»

# Кучлилар сараланди

*Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Футболимиз келажаги» республика кубоги мусобақалари қизғин давом этмоқда.*

Республика минтақавий босқичининг «В» гуруҳида Навоий, Самарқанд, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятида ғолиб чиққан жамоалар кейинги босқич йўлланмаси учун кураш олиб боришди. Учрашувлар Навоий шаҳридаги замонавий «Кимёгар» стадионида ўтказилди.

Қизғин ва муросасиз курашлардан сўнг 9-10 ёшли болалар ўртасидаги беллашувларда Навоий шаҳридаги «Истиқлол» маҳалласи жамоаси 1-ўринни қўлга киритди. 11-12 ёшлилар ўртасида ўтказилган ўйинларда мазкур ютуқ Самарқанд вилояти Пастдарғом тумани «Қорабўйин» маҳалласининг ўсмирларига насиб этди. 13-14 ёшли футболчилар ўртасидаги баҳсларда Навоий шаҳридаги «Баҳор» маҳалласи ёшлари рақибларидан кучли эканини кўрсата олдилар. Ушбу жамоалар ўз гуруҳларининг ғолиби сифатида мусобақанинг республика финал босқичида қатнашиш имкониятига эга бўлишди.

Шу билан бирга мусобақа давомида фаол қатнашган жамоа аъзоларидан бир гуруҳи «Энг яхши ўйинчи», «Энг яхши ҳужумчи», «Энг яхши дарвозабон», «Энг яхши ҳимоячи» каби номинациялар бўйича рағбатлантирилди. Мусобақа якунида ғолиб жамоалар ҳамкор ташкилотларнинг қимматбаҳо совғалари, диплом ва фахрий ёрлиқлари билан тақдирландилар.



*Наманган вилоятида жорий йил «Футболимиз келажаги» кубоги мусобақаларининг маҳаллалараро саралаш босқичида жами 775 та фуқаролар йиғини жамоалари қатнашиб, қамраб олинган ёшлар сони 45 минг 300 нафардан ортиб кетди.*

Бу ўтган йилгидан 10 фоизга кўп демакдир. Кубокнинг вилоят босқичи саралаш баҳсларида эса 36 та маҳалла жамоаси ўзаро куч синашди.

Тўрақўрғон туманидаги «Ёшлик» ўйингоҳида мусобақанинг финал учрашувлари бўлиб ўтди. Унда Уйчи туманидаги «Тошлоқ» маҳалласининг «Омад-38» жамоаси 9-10 ёшлилар ўртасида, Учқўрғон туманидаги «Ёрқин ҳаёт» маҳалласининг «Машъал» жамоаси 11-12 ёшлилар ўртасида ғолибликни қўлга киритди. Тўрақўрғон туманидаги «Исфахон» маҳалласининг 13-14 ёшли ўсмирлардан иборат «Ёшлик» жамоаси ўз тенгдошларига нисбатан устун эканликларини амалда исботладилар.

Ғолиб жамоалар кубок мусобақаларининг Фарғона шаҳрида ўтадиган минтақавий босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Мухбирларимиз.

«ЁЗ — 2013»

# ТАЪТИЛ МАРОҚЛИ ЎТМОҚДА



Фарғона туманидаги болалар соғломлаштириш оромгоҳида 365 ўғил-қиз ёзги таътилни мароқли ўтказмоқда.

Бу ерда тажрибали педагоглар олиб бораётган қизиқарли машғулотлар болаларга бир олам завқ бағишлаб, ҳар бир куннинг мазмунли ва самарали ўтишига хизмат қилаётир. Тасвирий санъат, рақс, моҳир қўллар ва инглиз тили тўгараклари, футбол майдони, сузиш ҳавзаси, кутубхона дам олувчилар ихтиёрида.

**Суратда:** Фарғона туманидаги болалар соғломлаштириш оромгоҳи.

Муқимжон ҚОДИРОВ
(ЎзА)
олган суратлар.

ASAKA BANK

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР !

«АСАКА» БАНК (ОАЖ)

қуйидаги миллий ва хорижий валютадаги муддатли янги омонат турларини таклиф этади:

«ФАРОВОН ТУРМУШ»
(миллий валютада)

Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 12 ой ва 18 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар олдиндан ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

«ИШОНЧЛИ»
(АҚШ долларида)

Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар олдиндан ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.

Мурожаат учун «АСАКА» банк (ОАЖ) филиаллари телефонлари: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

| Филиаллар | Код | Телефон |
|---|---|---|
| Тошкент шаҳар филиали | 371 | 120-83-13 |
| Автотранспорт филиали | 371 | 120-39-95 |
| Шайхонтоҳур филиали | 371 | 140-39-36 |
| Юнусобод филиали | 371 | 221-80-67 |
| Сирғали филиали | 371 | 258-67-49 |
| Тошкент вилоят филиали | 371 | 120-84-13 |
| Андижон вилоят филиали | 374 | 224-40-96 |
| Асака филиали | 374 | 233-13-69 |
| Фарҳод филиали | 374 | 226-97-53 |
| Фарғона вилоят филиали | 373 | 224-70-83 |
| Марғилон филиали | 373 | 237-12-37 |
| Олтиариқ филиали | 373 | 432-10-11 |
| Қўқон филиали | 373 | 552-61-04 |
| Наманган вилоят филиали | 369 | 226-94-75 |
| Навоий вилоят филиали | 436 | 223-54-32 |
| Зарафшон филиали | 436 | 573-18-78 |
| Бухоро вилоят филиали | 365 | 223-71-94 |
| Бухоро шаҳар филиали | 365 | 770-11-27 |
| Самарқанд вилоят филиали | 366 | 231-08-86 |
| Афросиёб филиали | 366 | 221-77-56 |
| Қашқадарё вилоят филиали | 375 | 221-12-93 |
| Сурхондарё вилоят филиали | 376 | 770-82-12 |
| Қорақалпогистон филиали | 361 | 770-60-59 |
| Хоразм вилоят филиали | 362 | 226-97-78 |
| Сирдарё вилоят филиали | 367 | 225-44-03 |
| Жиззах вилоят филиали | 372 | 226-43-11 |

«Асака» банк (ОАЖ) сармоянгизни сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди.

Барча омонатларингиз фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:
— солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
— маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
— эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!

Хизматлар лицензияланган.

Mahalla
ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий, маърифий газета

Муассис: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Республика бошқаруви

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2013 йил 12 апрелда 0019 рақами билан қайта рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Телефонлар:
236-53-93 233-39-89
236-53-75 236-57-62
Факс: 233-10-73

ISSN 2010-7013

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди, офсет усулида босилди. Формати — А-2, 4 босма табоқ.
Саҳифаловчи: Л.Мейликов
Мусаҳҳиҳ: Н.Азимова
Навбатчи: Ю.Ҳожиева
Нашр навбатчиси: Б.Ҳалимов
Нашр кўрсаткичи: 148

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси 32-уй
Индекс: 100083

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30.

19135 нусхада чоп этилди. Буюртма J-7740 Топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 21.00